ВАСЛИ АРО КЎРДИМ, ТЕНГ ЭМИШ БЎЙИЮ СОЧИ, ТУН – КУН ТЕНГ ЭКАН, ЗОҲИР ЎЛУР БЎЛДИ ЧУ НАВРЎЗ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 19 март, шанба № 63—64 (21.668). Сотувда эркин нархда.

УЛУҒ АЙЁМ МУБОРАК БЎЛСИН, ДЎСТЛАР!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошларим!

Она табиат инъом этган гўзал баҳор айёми — Наврўз умумхалқ байрами билан Сизларни чин қалбимдан муборакбод этаман!

Шубҳа йўқки, инсон қайси миллату динга, қайси халқу элатга мансуб бўлмасин, у авваламбор табиат фарзандидир. Асрлар мобайнида шарқ халқлари, жумладан, бизнинг ота-боболаримиз ҳам ушбу гўзал ва фаровон кунни байрам қилиб келганлар. Аммо юртимиз мустақилликка эришгандан бери бу байрам ўзгача теран мазмун касб этиб бораётгани қувончлидир.

Наврўз — йил боши, юртдошларнинг дил изҳори фасли. Бу айёмда гина-кудурат ва араз унутилади, халқлар, инсонлар муросага келади, аҳиллик, бирдамлик, меҳрибонлик қарор топади. Биз аждодлар жасоратидан руҳланиб, бебаҳо маданий-маънавий меросдан куч олиб, ғайрат-шижоат ва сабр-тоқат билан меҳнат қилиб, ушбу мураккаб ва шарафли тарихий жараёнда — янги давлат барпо этиш йўлида ўз қалбимизни, тафаккуримизни, руҳий дунёмизни намоён этаётган халқмиз.

Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик халқимизнинг улуғ руҳий гўзаллиги ҳамда маънавий камолоти белгисидир. Бугунги интилиш ва уринишларимизнинг ҳаммаси ойдин келажагимизни белгилайдиган ишлардир. Ишонч билан айтаманки, бундан буён ҳам келадиган Наврўзлар халқимизга, жонажон, бетакрор она юртимизга зафарлар келтиргай, моддий ва маънавий фаровонлик инъом этгай!

Наврўз айёмида Оллоҳ таолодан нуроний отахон ва онахонларимизга сиҳат-саломатлик, катта умид ва ишонч билан ҳаётга кираётган навқирон ёшларимизга ғайрат ва шижоат, элимизга тинчлик-фаровонлик ато этишини сўрайман.

Шу улуғ айём арафасида халқимиз дилидаги эзгу ниятлар, энг пок мақсад ва муддаолар амалга ошсин, эл-юртимиз тинч ва обод бўлсин. Наврўзнинг хуш кайфияти, ҳаётбахш нур-зиёси қалбингизни, хонадонингизни ва умрингизни мунаввар этсин. Ҳар бирингизнинг касб-корингизга, рўзғорингизга, умрингизга барака берсин.

БУХОРО ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

18 март куни халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Д. Ёдгоров пенсияга чиқиши муносабати билан аризасига кўра вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Бухоро вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган М. Раҳмонов вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Президент Ислом Каримов сессияда нутқ сўзлади.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қатнашди. (ЎзА).

Суратларда: сессия пайти.

И. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ФАОЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ёш авлодни Ўзбекистон Республикасига ҳар томонлама садоқат ва ундан фахрланишдек олий туйғуларини тарбиялашда, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни камол топтиришда давлат ва халқ олдидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

1 ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН:

Алимаҳсумов Орифхон — Яккасарой тумани «Яккасарой 1» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

Амирова Ҳалима — Сурхондарё вилояти кўп соҳали болалар шифохонасининг ҳамшираси

Остонова Малоҳат Узоқовна — Шаҳрисабз шаҳар марказий шифохонасининг акушер-гинекологи, Навоий вилояти

Жў Эрик Асвалл — Бутундунё соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) Европа регионал бюросининг директори

Икромова Гулсара Усмоновна — Тўрақўрғон тумани марказий шифохонаси туғруқхона бўлимининг акушер-гинекологи, Наманган вилояти

Иномова Светлана Турсунбоевна — Андижон вилояти 1-кўп соҳали болалар шифохонасининг бош шифокори

Мирзамуҳамедов Маннаф Таматович — II Тошкент Давлат тиббиёт институтининг болалар касалликлари кафедраси мудири

Наймушина Людмила Викторовна — Жиззах вилояти оналик ва болаликни муҳофаза қилиш маркази туғруқхона бўлимининг катта акушераси

Нишонова Роҳила — Фарғона шаҳар 27-ўрта мактабнинг ўқитувчиси

Савельева Ирина Алексеевна — республика болалар асаб касалликлари шифохонаси бош шифокори, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви аъзоси

Таганнязова Дамехон Мирзабоевна — Чимбой тумани марказий шифохона туғруқхона бўлимининг мудири Қорақалпоғистон Республикаси

Темуров Шукурсалим — республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси

Ўрумбоева Мавлуда Юнусовна — Оҳангарон шаҳар марказий шифохонасининг бош акушер-гинекологи, Тошкент вилояти

Федорова Нина Павловна — Навбаҳор тумани марказий шифохонасининг акушер-гинекологи, Навоий вилояти

Хонназаров Сапар — ўқитувчи, нафақахўр, Норпой тумани фахрийлар кенгаши аъзоси, Самарқанд вилояти

Хлебушкина Антонина Павловна — 22-болалар уйининг директори, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви аъзоси, Тошкент шаҳри

Эшонтўраева Сора — актёр, нафақахўр, Тошкент шаҳри

Цой Лилия Иннокентьевна — Хоразм вилояти болалар шифохонаси асаб касалликлари бўлимининг мудири

Қодирова Соня Бўриевна — Бухоро шаҳар 4-болалар поликлиникаси бош шифокори, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси

Ғуломова Дилфуза Ғуломовна — республика диагностика маркази директори, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви аъзоси

Ҳамдамова Раъно Султоновна — Собир Раҳимов тумани 21-болалар поликлиникасининг педиатри, Тошкент шаҳри

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН:

Абдужабборов Абдуқаҳҳор — Жиззах шаҳар, индустриал техникумининг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Аҳмедов Ўрол — Шеробод тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги врачлик амбулаториясининг мудири, Сурхондарё вилояти

Ашрапова Муқаддам — шифокор-жарроҳ, нафақахўр, республика фахрийлар кенгаши аъзоси

Бегматова Ширинхон — Қўқон шаҳар 2-болалар поликлиникасининг ҳамшираси, Фарғона вилояти

Ёрматов Шермат — Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси қошидаги «Булбулча» катта болалар хорининг бош дирижёри ва бадиий раҳбари

Жўраев Маҳмуд Жўраевич — Олот тумани, 29-мактабнинг ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Жўраева Хосият Ҳамиджоновна — «Шарқ гули» акционерлик жамиятининг ишчиси, Тошкент шаҳри

Загребалова Мария Семеновна — Сирдарё тумани марказий шифохонаси туғруқ бўлимининг акушерка-си

Иброҳимова Гулчеҳра Биловна — Қибрай тумани «8-Март» санаторийсининг бош шифокори, Тошкент вилояти

Исронлова Ҳабибахон — Наманган шаҳар 3-болалар поликлиникаси участка ҳамшираси

Каримов Фозилжон — Ангрен шаҳар, фахрийлар кенгаши раиси, ўқитувчи, Тошкент вилояти

Куделина Наталья Михайловна — Андижон шаҳар 2-туғруқхона уйининг акушер-гинекологи

Облоқулов Зокир — Пахтачи тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Прошенко Любовь Ивановна — Собир Раҳимов тумани 2-Ақли заиф болалар уйининг тарбиячиси, Тошкент шаҳри

Ражабов Абдулла — Урганч шаҳар 3-маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

Расулова Клара Ҳалимовна — Хива тумани марказий шифохонаси клиник-диагностика марказининг акушер-гинекологи, Хоразм вилояти

Раҳматуллаев Маҳмуд — Навоий тумани Қ. Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги қишлоқ амбулаториясининг мудири, Навоий вилояти

Саъдуллаева Яйра Убайдуллаевна — «Ғунча» журналининг бош муҳаррири, Тошкент шаҳри

Сулаймонова Фозила Комиловна — Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтининг катта илмий ходими, Тошкент шаҳри

Тошматова Маъмура Абдуллаевна — Сирдарё вилояти шифохонасининг акушер-гинекологи

Умарова Дилбар — Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг муовини

Шомуратов Худоёр — Амударё тумани оналик ва болалик бўйича бош шифокор ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳусаинова Дилбар Бўроновна — Ургут тумани Ж. Мирзаев номидаги марказий шифохона туғруқхона бўлимининг акушеркаси, Самарқанд вилояти

Эҳрэм Берердич—Халқаро болалар жамғармаси ташкилоти (ЮНИСЕФ)нинг Қозоғистон ва Марказий Осиё республикаларидаги вакилатчиси

Қосимова Мастура — Пойтуғ шаҳри, 1-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, Андижон вилояти

Қурбонов Мамазиё — Олтиариқ тумани маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

Қўчқорова Гулнора Маранимовна — Акмал Икромов тумани 394-«Ором» болалар боғчасининг мудири, Тошкент шаҳри

Ҳамдамов Араб — Нишон тумани, 2-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 март.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги 1994 йилги Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Республика Бош вазири А. Муталов маросимни очиб, бундай деди:

— Маданиятимизнинг бир гуруҳ вакилларига Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг ёрлиғ ва нишонини топшириш маданий ҳаётимиздаги катта воқеадир. Наврўз байрами арафасида сизларга, аввало, Президентимиз Ислом Каримовнинг самимий қутловини еказишга рухсат этгайсиз. Президентимизнинг Фармонига биноан ўзбек ижодкорлари билан бирга Россия Федерациясининг фуқароси Евгений Розанов ва Туркия Республикаси фуқароси Аҳсон Ботур ҳам 1994 йилги Алишер Навоий номидаги мукофотга сазовор бўлди. Бу — санъат ва адабиётимизнинг нафақат Ўзбекистондаги, балки бутун дунёдаги муҳлисларини беҳад қувонтирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари қўмитаси раиси П. Қодиров Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини ўқиб эшиттирди.

Республика Бош вазири А. Муталов мукофот соҳибларига олий мукофотнинг диплом ва нишонини топширди.

А. Орипов, Е. Розанов, Шароф Рашидовнинг қизи С. Рашидова ушбу юксак мукофот учун республика Президентига, ҳукуматига миннатдорлик изҳор этди.

Мукофотларни топшириш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, шунингдек, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Сидорский, Туркия республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вўлқон Чўтур иштирок этди. (ЎзА).

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Авваламбор, Сизнинг Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва тотувликнинг барқарор бўлиши, Ватанимиз иқболи, халқимиз бахт-саодати йўлида қилаётган бетиним меҳнатингизга самимий миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Юргизаётган изчил ва халқчил сиёсатингизни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистонимизнинг келажаги порлоқлигига, иншооллоҳ, бугун барча ишонч ҳосил қилиб турибди.

Амалга оширилаётган, ҳар бири асрга татигулик тарихий ишларингиз орасида миллий ва умуминсоний қадриятларимиз, меҳр-оқибат маскани — маҳаллаларимизга, улар аҳлига, ташаббусингиз ила ташкил топган республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига кўрсатаётган ғамхўрлигингиздан беҳад мамнунмиз. Бундай улуғ эътибор биз, маҳалла оқсоқоллари, фаолларини элюрт олдидаги, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни таъминлаш, инсоний фазилатларимизни юксалтириш, соғлом авлодни камол топтириш борасидаги юксак масъулиятимизни теран англаб янада кўпроқ меҳнат қилишга даъват этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ислом КАРИМОВга

Ушбу шукўҳли кунда беҳад шарофатли ва саодатли, меҳр-оқибат, маънавий юксакликка мушарраф этгувчи муборак Наврўз умумхалқ байрамини баланд руҳ билан нишонлаш бахтига муяссар бўлаётганимиз учун Оллоҳга шукроналар айтамиз.

Ҳурматли Президентимиз. Сизни қутлуғ айём — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этамиз. Наврўзимиз шарофати ила юртимизда байрам дастурхони ёзилмоқда экан, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳам Исломобод маҳалла маданий марказида Тошкент шаҳар жамоатчилиги ҳамда меҳмонлар учун 21 март куни наҳорги ош бериш ҳамда етмиш ва саксон ёшга тўлган ўн беш маҳалла оқсоқолини табриклаш тараддудидадир.

Сизга мустаҳкам тансиҳатлик, саодати абадия, олижаноб фаолиятингизда зафар ва омад, парвардигори ғаламдан узоқ йиллар эл-юртимизга бош бўлиб юришингизни тилаб қоламиз.

Кабир ота КОМИЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан фан арбоби, Юнусобод туманидаги «Янги ариқ» маҳалласи оқсоқоли;

Ориф ҳожи АЛИМАҲСУМОВ, Ўзбекистон халқ артисти, Яккасарой тумани «1-Яккасарой» маҳалласи оқсоқоли;

Саиднаби ҳожи САИДКАРИМОВ, Собир Раҳимов туманидаги «Беруний» маҳалласи оқсоқоли;

Сайфулла ОҚМИРЗАЕВ, М. Улуғбек тумани «Гулистон» маҳалласи оқсоқоли;

Акбар ҳожи АКБАРОВ, Шайхонтоҳур тумани, «Сархумдон» маҳалласи оқсоқоли;

Қодирхўжа НУЛДОШЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан ёшлар мураббийси, Ҳамза тумани «Ў. Юнусов» маҳалласи оқсоқоли;

Юсуфхўжа БАҲРОМОВ, Чилонзор туманидаги Катта Қозиробод маҳалласи оқсоқоли;

Шукур ТЕМУРОВ, «Маҳалла» жамғармаси раиси.

СОХТА ДАЪВОЛАРГА УЧМАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРОБОД ТУМАНИ ОҚСОҚОЛЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА ФУҚАРОЛАРИГА

М У Р О Ж А А Т И

Азиз дўстлар!

Муҳтарам юртдошлар!

Донолар умр кечириш томоша ҳам, байрам ҳам эмас, бениҳоя мушкул бир машғулотдир, деб бежиз айтмаган. Умрининг ҳар бир лаҳзасига ибратли ва фойдали мазмун бахш эта олган одамгина бахтлидир.

Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат. Унда барча халқлар эмин-эркин яшамоқда, дини, маданиятини камол топтирмоқда. Хусусан, бу йил буддага эътиқод қилувчилар янги йилни ўз тақвимларига кўра байрам қилди. Христианлар пасхага тайёрланмоқда. Мусулмонлар рамазон ойининг 30 кунлик рўзасини адо этиб, Ийди Рамазонни кенг нишонлади. Энди ҳаммамиз эзгулик ва баҳор айёми — Наврўзни кутиб олиш тараддудидамиз. Шунинг ўзиёқ мамлакатимиздаги тинчлик — осойишталик республикадаги барча халқлар манфаатига мос эканидан далолат беради.

Яхши гап билан бир-бировга далда бўлиш хайрли иш. Таассуфки, баъзан қайдандир эшитилиб қолаётган бегона овозлар таъбимизни хира қилади. Чамаси, ҳаётимиздаги умумий муроса, бир-бировни тушуниш, ҳамдарду ҳамнафаслик кимларгадир хуш келмаётган кўринади. Ишончимиз комилки, ҳақиқий юрт ўғлонлари ватанга ёмонлик соғинмайди. Аммо «мухолифат» деб аталмиш бир гуруҳ — аниқ иқтисодий ва ижтимоий дастури бўлмаган, давлат ишларидан мутлақо бехабар кимсалар ҳукумат фаолиятини танқид қилмоқда. Мушкул вазиятнинг мушкул муаммоларига мукмал ва суст жавоб бериш ила ҳақлилик даъво қилиш осон, албатта. Аммо шунинг билан мурод ҳосил бўлармикан?

Биз, республикамиз фуқароларига мурожаат қиламиз: шундай масъулиятли дамларда ақл-заковатимизни ишга солиб, Наврўзнинг хайрли анъаналарига амал қилиб, янада тотув ва ҳамжиҳат бўлайлик, сохта даъволарга учмайлик.

Шу азиз Ватан, шу муборак замин, аждодлар ва авлодлар ҳаққи-ҳурмати, тинчлик ва осойишталикни сақлайлик!

Ж. ОРТИҚОВ, «Олтинкўл» маҳалла оқсоқоли; С. ҚОСИМОВ, Шароф Рашидов номидаги маҳалла оқсоқоли; А. ТЎРАБОЕВ, «Баротхўжаев» маҳалла котиби; Т. СОДИҚОВ, «Файзобод» маҳалла оқсоқоли; М. УСМОНОВ, «Боғналмилал» маҳалла оқсоқоли; А. РАҲИМОВ, «Навбаҳор» маҳалла оқсоқоли; Ш. ИБРОҲИМОВ, «Толариқ» маҳалла оқсоқоли.

Хуш келдиңиз, Наврўзум, Ўзбекистонга, Хуш кўрдик мўйгезак, бодом гуллари.

«ДУНЁНИ ГЎЗАЛЛИК ҚУТҚАРАДИ...»

Ҳар йил ўз насибаси билан келар экан. Табиат эса ҳар нарсага қарши малҳамини ҳам яратиб қўяркан. Дард — бошга тушган бало, ҳеч кимни илғамас экан. Бошга тушса кўз тортар экан. Малҳамни кўриш, тушуниш, ундан фойдаланиш учун ҳеч бўлмаганда бир оз бош қотиришни талаб этар экан. Қисқаси ўқув ва яна ўқув керак. Узини билган ҳар бир кишида унинг ижтиҳоси, талаби ўқув даражасига мос келиши кераклиги маълум.

Аввалари эса... Ҳар бир кекса одам ўзи кўрган, билади. Узбекистоннинг қаерида бўлмасин: катта-кичик ариқлардами, шаҳар кўчаларидами оқар сув ичимлик ҳисобланарди. Унинг тозалигига ҳеч ким гумон қилмасди, бирор одам оқар сувдан ичиб, касал ҳам бўлмаганди. Чунки, оқар сувни эҳтиётлаш, уни тоза тутиш руҳи халқимизнинг қонига сингиб кетган, она сути билан бирга эмизилган эди. Каттаю кичик, ёшу қари, эркагу аёл, ҳаммаси оқар сувни тоза тутишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисобларди. Оқар сувни ифлослантириш одамларга қилинган суиқасд билан тенглаштириларди. Лекин сувга олма, беҳи, қовун, тарвуз, нонни ташлаш ман қилинмасди.

Қаранг, шаҳарнинг деярли ҳамма кўчаларида, уларнинг икки томонида шарқираб оқадиган сувлар йўқолди. Йўқолишдан аввал уларнинг сувлик кўриниши ҳам қолмади, ифлосликлар билан бўлғанди. Фақат катта ариқларгина қолди. Ундаги сувлар ҳам бошқа жойлардагидек ифлос. Зарафшон дарёсини олинг. Унинг соф, ҳаётбахш шабадаси энди қайда? У гўзал Самарқандимиз ва унинг атрофига ҳаётбахш шабада бериб, ҳатто кишиларни руҳлантириб турар эди. Шу дарёнинг шабадаси таъсири ўлароқ кимки Самарқандга келса унинг руҳи дарров кўтарилиб кетар, иштаҳаси очилиб, еган таоми тез синггар ва ҳамма вақт руҳи равшан юрар эди. Буни ҳозир ёши улғайган, лекин илгари Самарқандда бўлганлар билса керак. Қани гўзал Зарафшон? Уни ер ютдими? Йўқ. Ўзимизнинг нодонлигимиз Зарафшоннинг бошига етди. Нималардир қурдик, нималардир чиқардик, уларнинг барча чиқинди, ифлосларини дарёга ташладик, бу давом этди. Қарасак, Зарафшон йўқ. Энди гўзал дарёнинг йўқолиши билан уни йўқотиш учун қилган ҳаракатларингиз, қўлга киритган ютуғингизни солиштириб кўринг. Дарёнинг йўқолиши офат келтиряпти, касалликларни кўпайтиряпти. Атрофни табиат гўзаллигидан маҳрум қиляпти. Буни биз ютуқларимиз деб ҳисобладик. Мана, нодонлик ҳукмрон бўлган ерда нималар бўлар экан. Энди табиат биздан ўч оляпти. Ундан ҳеч ким қочиб қутулолмайди.

Ер, сув, қуёш нури ер юзидаги барча жонзотни ёпл бўйи боқади. Бизнинг вазифамиз ўзимизни боқадиган ер, сув, қуёш нурини ҳисобга олиб, мақтанишдан кўра амалий ишга, яъни табиатни бойитишга, йўқолганларни тиклашга, бор имкониятлардан ҳисоб-китоб билан фойдаланишга киришишдан иборат. Олимларнинг ҳисобига қараганда, Узбекистонда 20 миллион гектар атрофидаги ердан фойдаланилмайди, тўғрироғи, фойдаланишга ярамайди. Аслида эса ҳар қандай ердан: тоғу тошлар, қумликлар, тақирлар, жарликлар, шўрликлардан фойдаланиш мумкин. Ўша ерларда ҳам одамлар ва ҳайвонлар учун керак бўлган нарсалар етиштирса бўлади. Бунинг учун қаерда нима экишни билиб, сўнг экиш керак.

Ҳар йили баҳорда кўчат экиш мавсуми ўтказилади. Миллионлаб кўчатлар, мевали, мевасиз дарахтлар ўтқазилади. Аммо улардан қанчаси тутиб қолди, бу ҳеч кимга маълум эмас. Табиатда бўлаётган экологик бузилиш, емирилиш табиатни бойитишга илгаригидек бепарволик билан эмас, аксинча жиддий изчиллик билан қарашни талаб этади. Бундан кейин мевали, мевасиз дарахтлардан кўчат ўтқазиш мавсумий муддат бўлиб қолмасдан халқимизнинг турмуш тарзига айланиб кетиши керак. Менимча, ҳар бир киши дарахт ўтқазиш билан машғул бўлиши лозим. Экканда ҳам қаерда, қанақа дарахт ўтқазишни билиш учун жуда катта мутахассис бўлиш ҳам шарт эмас. Ҳаммаёқ дарахтзор, мевазор бўлиб кетса у кимники бўлади, ким йиғиштириб олади, деб ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ўтқазиладиган кўчатлар экин экиладиган ерлар ҳисобига эмас, аксинча яроқсиз ерлар ҳисобига бўлиши керак. Камроқ парвариш талаб этадиган мевали дарахт экиш ишимизни бироз енгиллаштиради. Шунда ҳам биринчи навбатда ернинг турига қараб ёнғоқ ўрик, тут, нонжийда, олма, узум, олмурут ва бошқа мевали дарахтларни, айниқса, қора кишмишни кўпроқ экиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур меваларни хомлиги, ҳўллиги, қоқисини, ерга тушганини ҳам ейиш мумкин. Балки бу баъзи бир кишиларга кўкнори хаёлига ўхшаб кетар, лекин бу қуруқ хаёл эмас. Биз кундаги ишни кунда ўйлашга ўрганиб қолганмиз. Биздаги кучсизлик ҳам шунда. Эртага нима бўлади, индинга, беш-ўн йилдан кейин-чи? Режа билан иш слиб боришга ўрганмаганмиз. Бу кучсизликнинг вақти тугади.

Бизнинг Узбекистонни турли мевалар мамлакати дейишади. Биздаги мевалар бошқа ерларда кам топилади, дейишади, ҳамма еримиз боғ-роғ деб мақтанишади. Бу халқимиз кўп мева еяр экан деган сўзми? Йўқ! Халқимиз кам мева ейдиганлардан. Чунки боғларимиз оддий ҳолда, мева етиштириб, уни сақлаш, ундан ҳам оддийроқ. Меваларнинг деярли ярмини биз чиритиб юбориш учун оламиз. Лекин бундан биз уялмаймиз. Чунки уялишга аҳлимиз етмаяпти. Мақтаниш одати бизни гаранг қилиб қўйган. Бу гарангликдан бизни бирор қутқазмайди. Бундан ўзимизни ўзимиз қутқаришимиз керак. Агар буни қилолмасак, Узбекистондек гўзал бир олтин ерда «ўлмас овқат, чиқмас жон» бўлиб яшайверамиз. Бу аҳволимиз учун бировни айблашга ҳам ҳаққимиз йўқ. Мен Эстония, Латвия, Литва республикаларининг қишлоқларини кўрдим, одамлари билан яқин мулоқотда бўлдим. Оҳакли, балчиқли, қуруқ-қумли ерларда чиройли мевали боғлар яратишган. Ўтирган хуторларининг бутун атрофи мевазор, ўрикзор. Уларда мевалар Узбекистондагидан арзон. Бундан бир неча йил аввал бир эстон олимини меҳмонга чақирдим. Фото, киноаппаратингиз билан келинг, дедим. Хотини билан келди. Тошкентда, унинг атрофи, Самарқанд, Бухородё бирга бўлдик. Эртадан то қоронғугача бир соат ҳам дам олмади. Тўхтовсиз сурат олди. Ерни, унда ўсаётган дарахтлар, ўсимликларни, яратилган осори-атиқаларни кўриб, ёқасини ушлади. Ажабо, дунёда шундай бир афсонавий мамлакат бор экан, деб завқланди. Лекин бу гўзал ердан, унинг гўзал табиатидан етарли фойдалана билмаганимизни кўриб, ҳайрон қолди. «Нимага бундай, агар бизнинг республикамиз худди Узбекистонга ўхшаганда борми, биз оламнинг тўртдан бирини боқишни бўйнимизга олар эдик», деди...

Мутасадди кишиларнинг кейинги бир неча йил ичида гапирган гаплари, фикрларига қараганда ҳар йили Узбекистонда 500 мингдан 600 минггача одам кўпаяр, бу табиий ўсиш экан. Йилдан йилга халқ кўпайяпти. Лекин ер кенгаймаяпти, кенгайиши мумкин ҳам эмас. Шу тарзда бораверсак, яна 25-30 йилдан сўнг Узбекистон халқи қанча бўлиши мумкин. 35-40 миллионларга етиб қолиши ҳеч гап эмас. Мана шу келажакда кўпаядиган халқни боқиш учун ҳозир ўйлаб, ҳозирдан бошлаб озиқ-овқат, зарур шароит яратишга киришиш керак. Энди «олма пиш, оғзимга туш» руҳида яшаш замони тугади.

Орол денгизи-чи? У кимларни боқмаган, қандай даромадлар келтирмаган. Яна қандай ҳаёт гўзалликлари манбаи бўлмаган?

Ҳаётбахш Орол тузли чанг тарқатиб, бутун чор атрофни заҳарлаш, ҳаётни қуритиш кучига айланиб қолди. Агар бунинг олдини олишга амалий, қатиъй иш қилинмаса, қўлимиздаги бор нарсалар қурийди, чирийди. Оролни қуритиш нимадан бошланган? Собиқ СССРнинг пахта мустақиллиги учун курашидан бошланган. Бунинг бош қўмондони ва дирижёри Москва бўлган. Урта Осиё республикалари, биринчи навбатда Узбекистонни асосан пахта етказиш майдонига айлантириш учун йилдан-йилга янги ерлар очавер, Сирдарё ва Амударёни бўғавер, Оролга қуйилиш нормасини озайтиравер, собиқ Совет Иттифоқига пахта мустақиллиги керак. Бошқа нарсанинг кераги йўқ. Бизга пахта керак! Империя тузумининг режаси шундай бўлган. Қаерда пахта унса, шу ерга пахта экилган. Бу ҳаракат 29-30 йиллардан бошланган. Пахта мустақиллигига эришдик. СССРни, Европа мамлакатларининг бир нечасини ҳам пахта билан таъмин этдик. Буни биз қилдик, деяпмиз, бироқ биз эмас, булар Москва қўли билан бўлган. Натижаси эса ҳаммага маълум.

Одатда магистраль йўлларга манзарали, аҳоли яшайдиган жойларга мевали дарахтлар экиш одатга айланиши керак. Бу сизга ғалати туюлар. Ишга киришинг, мевали дарахт экинг, икки-уч йил ўтгач, бу сизнинг одатингизга айланиб қолади. Қушлар, ҳайвонлар, ўсимликларнинг тури кўпаяди. Яна қайтиб табиат билан бирлашади. Одамзот нормал ўса бошлайди. Бунинг учун ҳар биримиз ўзимиздаги бепарволикни енгишимиз керак.

Мевали дарахтлар ўтқазишда кўчат муаммоси ҳам бор. Буни ҳам ҳамма ўзи ҳал этиши керак. Қишин-ёзин уруғлар, данакларни йиғиштириб бориш мумкин. Мевали дарахтни кўпайтириш ҳар бир оила, одамларнинг кундалик ғамига айланиши керак. Шундагина нормал ҳаёт учун энг керак бўлган озуқа маҳсулоти етарли бўлади. Ёнғоқ, ўрик, олма, узум халқ истеъмолидан кенг ўрин олади. Буларнинг доимий истеъмол этилиши кишини бақувват қилади, қонни тозалайди, касални яқинлаштирмайди. Кимё препаратларини қабул қилишга ҳожат қолмайди. Бу меваларни доимий истеъмол этиш наслнинг ҳам яхшиланишига олиб келади.

Сулаймон АЗИМОВ.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат-лавҳа.

ҲАЙР-САХОВАТ МАРОСИМИ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг ташаббуси билан Наманганда илк бор «Наврўз — Умид» дарахти биринчи анъанавий тантанали маросими бўлиб ўтади.

Халқимиз Наврўз арафасида хайрия ишларга зўр берган. Ночор ва камбағал кишилар ҳолидан хабар олган. Вилоят партия кенгаши халқимизнинг ана шу савобли ишини давом эттиришга бел боғлади. Бу ҳақдаги фикр вилоят ҳокимлигида қўллаб-қувватланди. Республика болалар жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда ҳомий ташкилотлар — вилоят маҳаллий саноат бошқармаси (бошлиғи Собитхон Тўхтабоев), тажриба заводи (директори Маҳмуд Адашев) билан ҳамкорликда «Наврўз — Умид» дарахти байрам тадбири ўтказилади. Маросимнинг биринчи кунида вилоятнинг барча жойларида намуналар ўқиётган етим болалар ва болалар уйининг тарбияланувчилари тақлиф этилади. Улар учун катта концерт, викторина, спорт мусобақалари, ўйинчоқлар кўргазмаси ташкил этилади. Болалар шарқона янги йилда ўзларининг орзу умидларини билдирадилар. Шу куни болаларга ширин-шакар таомлар пиширилади.

Тадбирнинг иккинчи куни яна ҳам эсда қоларли ўтади.

— Наманганлик мактаб ўқувчиси Нигора Отахонова ва задарёлик Ғуломжон Раҳимовларни болалар жамғармаси стипендия билан таъминлайди,— дейди жамғарманинг вилоят бўлими раиси Наталья Рязанцева.

—Дарҳақиқат, тадбирда ўксик қалблар эъзозланади. Халқимизнинг болажон вакиллари ҳам имтиёздан баҳраманд бўладилар. Чустлик Гулсора Қорабоева, чортоқлик Башорат Олимова, Каромат Жўрабоевалар етим болаларни ўзларининг иссиқ бағрларига олганлар. Уларга вилоятимизнинг оромбахш «Кўксарой» дам олиш масканига йўлланма берилади,— дейди вилоят партия кенгаши биринчи котиби А. Фаёзов.— Шу куни Наманган туманининг Шўрқўрғон қишлоғидан келган Ҳасан ва Ҳусан Зуҳуровларнинг ҳар бирига 20 минг сўмдан пул ўтказилган омонат дафтарчаси ва ўйинчоқлар тортиқ этилади.

Мусохон Нуриддинов ҳали ўсмир ёшида. У уч нафар укаси ва синглисига ота-оналик қилиб келмоқда. Синглиси болаликдан ногирон. Шу куни йигитчага Ислам совға қилинади. Бир неча бемор болалар Тошкентдаги «Умид» даволаш марказига юборилади.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎНГИЛ ОЛАМИ ШОД БЎЛДИ

Ўлкамизда—Наврўз нафаси. Ташкилот ва корхоналар, ўқув юртлари, хўжаликларда байрамга бағишланган тантаналар бошланиб кетди.

Тошкент давлат дорилфунуни қошидаги Олий педагогика институти жамоаси ҳам чоршанба куни улуғ айёмни нишонладилар. Аслида ҳар чоршанба куни бу ерда тингловчилар бирор муҳим мавзуда давлат арбоблари, етук олим ва мутахассислар билан учрашувлар ўтказишади.

Наврўз байрамини инсонларни дўстлик, одамийлик, ҳамкорлик, тинчлик сари етакловчи сана сифатида биламиз. Аслида эса бизларнинг билганимиз—билмаганимиз ҳам экан. Халқ байрамлари соҳасининг билимдонлари фалсафа фанлари доктори Усмон Қорабоев, Омонулла Бўриевлар маърузаларини тинглаб бунга иқрор бўлмай илож йўқ.

Наврўз — умумий баҳолаганда хўжалик ҳаёти, демакки, давлат хўжалигини режалаштириш санаси ҳам ҳисобланган. Абу Райҳон Беруниийнинг «Ўтмиш аждодларимизнинг ёдгорликлари» асаридa таъкидланишича, бу байрам Халифа Мутаваккилнинг ташаббуси билан 866 йили қайта тикланган. Ана шу куни деҳқонларга солиқлар солинар, яъни кимнинг қанча ери, бойлиги бор — имкониятлари қандай — сарҳисоб қилинар экан. Ҳозирги тил билан айтганда ана шу пайтда давлат бюджети ҳомчўт қилинар экан. Агар катта уруш кетаётган бўлса, шу куни рақиблар ҳатто жангларни ҳам тўхтатишар экан.

Омонулла Бўриев бу байрамнинг нишонланиш анъаналарини тарихий асарлар ва манбалар асосида йиғилганлар қалбига муҳрлади. Фалсафа фанлари доктори Ғайни Нажимов маърузалар сўнггида ўзбек халқининг миллий удумлари ҳақида мухтасар сўзлаб берди.

Булар байрамнинг маърифий қисми эди. Шундан сўнг саҳнага Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов таклиф этилди. Шунингдек, хушовоз ҳофиз Шавкат Расулов, хонанда Нодира Султоновалар ижро этган куй ва қўшиқлар йиғинига ўзгача шукуҳ бағишлади. Шодиёнадаги самимият тингловчиларга ҳам илҳом бахш этди. Улар ўзлари ёқтирган қўшиқларини куйлаб, ёзган шеърларини ўқиб бердилар.

Қисқаси, шу куни кўнгиллар шод, диллар обод бўлди.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЕТГА!

ДИЛКАШ УЧРАШУВЛАР

Шу кунларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши тўққизинчи пленуми қароларини ҳаётга тадбиқ этиш ҳамда улуғ айём—Наврўз байрами муносабати билан Марказий Кенгашнинг партия ходимлари ва бир гуруҳ тарғиботчилар сафардалар.

Турли вилоятларда бўлгани сингари Сурхондарё вилояти ҳудудидаги партия ташкилотларида корхона ва жамоаларда, мактаблар, олий ўқув юртларида бу йилги наврўз кўтаринки руҳ билан ўтказилаётир. Байрам муносабати билан жойларда маъруза ва суҳбатлар уюштирилаётир. Бу тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов олиб бораётган иқтисодий-сиёсий, ижтимоий сиёсат ва Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси ҳамда бўлажак сайловлар атрофлича муҳокама қилиниб, холисона хулосалар чиқарилиб, режалар белгиланмоқда. Партия ташкилотлари Президентимиз партия Раиси фаолиятини тўла қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон равнақи учуи астойдил меҳнат қилиш ниятида эканликларини билдирмоқдалар. Қизиқарли маъруза ва мулоқотлар Термиз шаҳридаги механика таъмирлаш корхонасида, Термиз туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигида, лимон етиштиришга ихтисослаштирилган «Термиз» жамоа хўжалигида, Жарқўрғон туманидаги Ойбек номли ўрта мактабда, шу туманнинг Т. Шобуров номли жамоа хўжалигидаги чорвачилик фермасида, Термиз шаҳар партия кенгаши ходимлари ва Термиз шаҳар фаоллари йиғилишида, шаҳарнинг А. Навоий номли маҳалласида, вилоят 2-шифохонасида ҳамда зиёлиларнинг илмий-маърифий вилоят жамияти раҳбарлари билан бўлиб ўтди.

Бу учрашув ва мулоқотларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг бўлим мудири, фалсафа фанлари номзоди З. Давронов, Сурхондарё вилояти партия кенгаши биринчи котиби, фалсафа фанлари номзоди Х. Эрматов, вилоят кенгашининг иккинчи котиби Ш. Юнусов, шаҳар ва туманлар кенгашларининг биринчи котиблари, ҳокимларнинг ўринбосарлари сўзга чиқдилар. Улар тингловчиларнинг иқтисодий-сиёсий ва мафкуравий ҳамда Олий Мажлисга ўтказиладиган сайловлар тўғрисидаги саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

Қизиқарли учрашув ва мулоқотлар вилоят ҳудудларида давом этмоқда.

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилояти кенгаши тарғибот ва таҳлил бўлими.

Дилимизга шодлик бахш этгувчи муҳаббат ва садоқатимизни мавжлантирадиган табаррук айём навбаҳор фариштаси — Наврўз қутлуғ остонада турибди. Бўлғувси буюк давлат Ўзбекистон қўйнини маскан қилган барча

МЕҲР БУЛОҒИ

миллатлар, эллар, элэтлар мустақил юртнинг учинчи Наврўзига катта орзу-умидлар билан пешвоз чиқмоқдалар.

ХДП вилоят ташкилотлари бу уйғониш, яшариш, нафосат, умумҳалқ байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида кенг қўламда ташкилотчилик ишлари бошлаб юборишди. Партия бошланғич ташкилотлари ташаббуси билан шу йил 12 март куни бошланган шанбалиқда 250 мингдан кўпроқ аҳоли иштирок қилиб, Гул байрамига тайёргарликни авж олдириб юборди. Меҳнат байрами кунининг ўзида уч миллиард 793 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқилиб, шундан 181 миллион 160 минг сўм маблағ Наврўз жамғармасига ўтказилган шанбалик зўр ишчанлик билан, ғоят кўтаринки руҳда кечди.

Шу кунларда ХДПнинг барча шаҳар, туман кенгашларида тузилган Наврўз байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш махсус гуруҳлари ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Наврўз кунлари муҳтож, ногирон одамларнинг ҳолидан хабар олиш, уруш ва меҳнат фахрийларини муборакбод этишнинг аниқ режалари ишлаб чиқилди. Маҳалла қўмиталари халқ депутатлари кенгашлари, хайрия жамғармалари ва бошқа оммавий ташкилотлар бу ишга бажонидил бош қўшмоқда.

Қурбон МУҲАММАДРИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия ва жамоат ташкилотларининг, шаҳар, туман ҳокимларининг, хайрия жамғармаларининг қўлни қўлга бериб қилган ҳаракатлари туфайли вилоятнинг барча бурчакларида ўтказилди.

ЎЗГАЧА ТАЙЁРГАРЛИК

Сирдарё шаҳрида байрамга ҳозирлик қизғин олиб борилаяпти. Шаҳар ҳокимлиги маҳаллаларда, жамоа ва ташкилотларда баҳор ва меҳнат байрамини кўнгилли, мазмунли ва эсда қоларли қилиб ўтказиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланган.

— Наврўзи оламга бизнинг маҳалла аъзолари ҳам пухта тайёргарлик кўришаётир, — дейди шаҳардаги «Наврўз» маҳалласи қўмитаси оқсоқоли Ҳофиз Нишонбоев. Бу айёмни ҳар йили хушчақчақ, қизиқарли ўтказишга одатланганмиз. Бу йил ҳам ана шу анъанага содиқ қоламиз. Маҳалламизда олиб борилаётган байрамолди тайёргарлик ишларимиз, шундай дейишимга асос бўлади.

Бу маҳалла шаҳардаги намунали маҳаллалардан биридир.

Умумхалқ байрамида жойларда аввало тозалик, ободонлаштириш ва кўламзорлаштириш ишларига алоҳида аҳамият берилади. Маҳалла қўмитаси қошида бу соҳада махсус гуруҳ тузилган. Улар кўчалар, хонадонлар ўртасида кўрик-танловлар уюштиришга мутасаддилик қилишади.

Маҳалла фаоллари «Бу йилги кўкламда ҳар бир оилада камида 5 туп мевали дарахт кўчатлари ўтқазамиз!» шиори билан чиқишди. Ҳозир маҳалла қўмитаси оқарсув масаласини ижобий ҳал этиш чорасини кўрмоқда. Шу мақсадда кўмилиб кетган ариқлар ҳашар йўли билан тозаланади, тартибга келтирилади.

Миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни тиклаш борасида ҳам анча ишлар қилинаяпти.

Наврўз байрамида одамлар бир-бирларига хайр-эҳсон, мурувват кўрсатадилар. Маҳаллада бу мавсумий иш деб қаралмаяпти, балки йил давомида кўп болали, ҳам таъминланган, боқувчисини йўқотган, камдаромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Абдураззоқ БУРЛИЕВ,
Сирдарё шаҳри.

21 МАРТ—ИРҚИЙ КАМСИТИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН КУРАШ ХАЛҚАРО КУНИ

МУШТАРАКЛИК

Бутун тараққийпарвар инсоният келгуси ҳафтанинг душанба куни Ирқий камситишнинг олдини олиш учун кураш халқаро кунини нишонлайди. Бу сана турғунлик давридаги тақаймлардан нима сабабдандир тушириб қолдирилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1966 йилнинг 26 октябрида бўлиб ўтган XXI сессиясида ҳар йилнинг 21 март кунида ана шу санани нишонлаш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилган эди.

Бу кураш кунининг таъсис этилиши учун Ер куррасининг бир қатор минтақаларида содир бўлган ноҳақликлар, бегуноҳ қон тўкишлар оқибати ўлароқ келиб чиққан мудҳиш воқеалар асосий сабаб бўлган. 1960 йилда Африканинг жанубидаги Шарпелиля шаҳрида жафокаш қитъанинг тинчлик намойишчилари ваҳшийларча ўққа тутилган. Ўша даҳшатли воқеада кўплаб одамлар бегуноҳ қурбон бўлган. Мудҳиш жиноят оқибатларини инсоният ҳамон унутгани йўқ.

Ҳозирги тўқсонинчи йилларда ҳам бундай ирқий камситиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Фаластинда, Эфиопияда, Боснияда, Кавказда ва бошқа жойларда бўлаётган аянчли қон тўкишлар ҳақида матбуот тарқатаётган хабарлардан ҳеч ким кўз юмиб кетолмайди.

1993 йилда Африкада 15 ёшгача бўлган 1 миллиард 200 миллион бола ҳисобга олинган. Шундан 5 ёшгача бўлган болалардан 4 миллион нафари ўлиб кетган. 10 миллион бола қочоқ ҳисобланган. 30 миллион бола ўз ёшига муносиб тош босадиган оғирликка эга бўлмаган. 70 миллион нафар бола мактабларга ўқишга боролмаган. 100 миллион гўдак медицина ёрдамини олишдан бенасиб қолган. 150 миллион бола ифлосланган сув ичиш билан ҳаёт кечирмоқда. 200 миллион нафар норасидага санитария жиҳозлари етиб бормаган ёки бундай бадастир жойларга қўйилмаган.

Ҳар бир одам қалбига ўкинч ва тугён алангасини ёқадиган маълумотларни кўздан кечириш ҳам нақадар оғир ва мушкулдир.

Наврўз айёми арафасида кўз олдимдан Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб эркатой фарзанди байрам денгизи тўлқинларида шодон қулиб турганлиги ўта бошлади. Чиндан ҳам, Наврўз кенг мушоҳадали ва илҳомбахш айёмдир. Унинг яна бир буюк хислати байрам шодиёналарида юзлаб миллат кишиларининг ҳам томошабин, ҳам ижрочи бўлиб қатнашувидадир.

Ўзбекистон Байналмилал маданий марказлар жамоатчилик кенгашининг муносиб тайёргарлиги туфайли кўплаб миллий маданий марказлар вакиллари ўзларининг миллий ижрочилик дасталари билан Наврўз даврасини кенгайтирадилар. Азим Тошкентнинг Алишер Навоий номидаги миллий боғи майдонида бўладиган умумхалқ байрамида рус, украин, қозоқ, қирғиз, тожик, польяк, литва, бухоро яҳудийлари ва бошқа ўнлаб миллий марказ вакиллари ўзбек биродарининг даврасига муносиб файз киритадилар.

Ҳозирда Ўзбекистонда 70 дан зиёд миллий-маданий марказлар самарали ишлаши учун қулай имкониятлар яратиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақиллигини қўлга олгандан кейин ҳукумат биринчи ўринда диёримизда яшаётган барча халқларнинг тинч-омон турмуш кечириши учун ҳамма чора-тадбирларни донолик билан амалга оширмоқда. Юртимиз тинч ва ҳаёт барқарор экан, демак буларнинг ўзи ҳам бир бойлик ва мустақилликнинг бебаҳо меваларидир.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Истиқлол юз озган ҳа лидкуза Аҳбаҳлаҳ ҳашшиди ҳоза еллари.

• *Фармон ва ижро*

ДЕҲҚОНКИ ЕРГА УРУҒ СОЧАР...

Наврўзи олам бутун. Бутун борлиқ ҳаракатда. Ҳамирдек кўпчиб турган она заминимиздан чечаклар бош кўтаряпти. Бол томар боғларда ўзгача тароват. Дарахтлар шоҳида маржондек тизилиб, бўртиб турган куртаклар майин табассумла чиройини кўз-кўз қила бошлади.

Деҳқон ҳам бостирмадаги устундаги қозиққа илиб қўйилган кетмонини аста қўлига олади. Пича ўтириб дуога қўл очади:

— Э, Оллоҳ, халқимизнинг ризқини, толеини баланд қилгин. Ҳосилимиз тўкин бўлиб, юртимизда тинчлик, фаровонлик барқарор бўлсин!

У юзларига фотиҳа тортгач, тўннинг икки этагини белбоғига қистирганча кетмонини елкасига ташлаб қадрдон даласи сари йўл олади. Мана, ардоқли даласи. Заминга, атрофга, узоқ-узоқларга суқланиб қарайди. Бола-чақасининг ризқини шу ер беряпти. Ҳар йили ҳам тер тўкиб ишланди. Шунга яраша кам бўлмаяпти.

— Салом она-ер. Мана, борлиқни ундирувчи, яйратиб, яшнатувчи Наврўзи олам шарофати ила яна қошингга келдим. Сени қанчалик соғинганимни билсанг эди... Сўнгги пайтда ҳатто тушларимга кириб чиқасан. Сен билан тиллашиш, бағрингда ниш урган экинларнинг ҳароратингдан, озуқангдан кунда бир яшнашини кўришдан бошқа бахт йўқ менга. Сен туфайли бирим икки бўлди. Рўзғоримнинг бутлиги ҳам, дастурхонимнинг тўкинлиги ҳам, қолаверса юртим фаровонлиги ҳам сен туфайли.

Лекин очиғини айтганда, она-ерим, сени ҳар доим ҳам бирдек қадрламадик. Турли заҳар-заққумларни беравериб хасталантириб қўйдик. Сени тўйдирмай ҳосил талаб қилавердик. Тўғриси, бизга ҳам осон бўлмаган. Тўраларнинг айтганини қилмай иложимиз йўқ эди. Инон-ихтиёримиз, тизгинимиз шулар қўлида бўлган. Бу ёғи тирикчилик. Бир нарсали бўлиб қолиш баҳонасида елкангда ортиқча юк ортган пайтларимиз кўп бўлган.

Яратганга шукрлар бўлсинки, истиқлол туфайли пок ният билан қўл урадиган, ўзгаларнинг ўзгу ниятлари амалга ошиб, бу йилги Янги йил — Наврўз юртимизга фаровонлик олиб келсин!

Бу аввало халқ бахтини, юрт саодатини ўйлаган юртбошимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан бўлмоқда. Президентимизнинг ўтган ойда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган қуйидаги фикрларини эсга олайлик.

«...Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси аграр соҳани ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун иқтисоднётимизни ҳал қилувчи масала, бу — одамларимизнинг ишга, меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартиришдир.

Бу масаланинг ечими — мулкчилик шаклларини ўзгартиришда, мулкни ўз эгасини топиб, унга беришдадир».

Қанчалик тўғри, дилфиздаги фикрлар. Дарҳақиқат, мулк эгасини топган тақдирдагина ишда унум бўлади, натижа бўлади, фойда бўлади.

Сўнгги пайтларда деҳқон (фермер) хўжаликларининг кўпайиши ўз самарасини бераётганини кўриб турибмиз. Маҳсулот кўпаймоқда. Деҳқон ҳам, чорвадор ҳам қаддини тиклаяпти. Чунки юртбошимиз айтганларидек, фермерларимиз кўрсатилган бир яхшиликка минг яхшилик билан жавоб қайтаришга ишончим комил.

Каримжон РИХСИЕВ.

ТУРКИЯ ДИЁРИ УЗРА ШОДИЁНА

Қардош ва жондош Туркия Республикасининг меҳнаткашлари ҳам бу йил биринчи марта ўзбекча «Наврўз» байрами шодиёнасидан баҳраманд бўладилар. Шу муносабат билан Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маданий ишлар бўлими бошлиғи Жевдат Туркер ўғли жанобларн мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди.

— Бизда Наврўз байрамини одатда Янги йил деб биладилар. Бу сана одатда 21 мартда нишонланади. Бутун мамлакатимиз бўйлаб барча шаҳар ва қишлоқларда халқ ана шу Янги йил байрамини нишонлайди. Пазандалар лаззатли ширин таомлар тайёрлайдилар, бахшилар қўшиқ айтадилар, санъаткорлар маҳоратини кўрсатиб байрам файзини улуғлайдилар.

Бу йилги Янги йил байрамимиз ўзбек биродарларимизнинг иштироки билан биринчи марта янада кенг қардошлик шодиёнаси тусини оладиган бўлди. Туркия ва Ўзбекистон Маданият вазирликлари ўзаро келишувга биноан биринчи марта ўзбекча Наврўз байрамини ўтказиш мақсадида шартнома асосида тадбирлар белгиладилар.

Кеча ўзбек санъаткорларидан бир гуруҳи ана шу тадбирларда қатнашиш учун самолётда Тошкентдан Анқарага учиб кетди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигида қуйидагиларни маълум қилишди: Салтанат Сиддиқова раҳбарлигидаги «Камалак» этнографик халқ дастаси аъзолари Туркияда бўладиган «Наврўз» шодиёналари учун жўнаб кетди. Санъаткорлар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турсуной Мамедова, байрам режиссёри Ўткир Тоҳиров, Юлдуз Абдуллаева иштирокидаги вокал чолғу ансамбли бор. Ўзбек вакиллари у ерда халқимизнинг қадимий миллий урф-одати Наврўз маросимларини намойиш этадилар, баҳор таомларини тайёрлаб кўрсатишади ва тортиқ этишади. Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари маркази ўзининг «Камалак» дастаси билан бу қардошлик байрамини ўтказишга муносиб тайёргарлик кўрди.

А. ҲОЖИАКБАРОВ.
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

«МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ»

Самарқандда Ўзбекистон ХДП вилоят ва шаҳар кенгашлари, вилоят маҳалла жамғармаси ҳамкорлигида ана шу шиор остида маҳаллалар танлови ўтказилди.

Унда шаҳардаги барча маҳаллалар иштирок этишди. Тадбирга бир қатор фирмалар ва шаҳар ҳокимияти ҳомийлик қилишди.

Мусобақалар якунига кўра Сиёб туманидаги Юсуф Харрот маҳалласи, Темир йўл туманидаги Хазора ҳамда Боғишамолдаги 3-Иўнғичқаариқ маҳаллалари фахрли ўринларни эгаллашди. Ғолибларга телевизор ва гилам совға қилинди.

Беллашувнинг финал қисмида Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Й. Суюнов, вилоят маҳалла хайрия жамғармаси раиси А. Мелиев иштирок этдилар.

• • •

Наврўз арафасида Каттақўрғон туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон ХДП туман кенгаши хайрли тадбирга қўл уришди. Меҳнат ва партия фахрийлари «Олтин водий» чойхонасида тузалган дастурхон атрофига таклиф этилдилар. Туман ҳокими М. Нуриддинов Наврўзнинг аҳамияти, қадр-қиммати, шунингдек фахрийларнинг ҳурмат эътибори хусусида сўзлади. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Й. Суюнов партия фахрийларига эсдалик совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АДИРЛАРДА ЁЗИЛГАН ДАСТУРХОН

Ҳар гузарнинг ўз урфи бор. Ҳар қишлоқнинг, Ҳар овулнинг. Қашқадарёнинг да ажойиб, ғаройиб урфлари бор. Ул ёқларда Наврўзни каттаю-кичик Йил боши келди, деб кутиб олади. Шу куни...

...Болаликка қайтамиз. Тонг отади. Кўзимизни уқалаб-уқалаб ҳув олисдаги газа (қир-тепаликлар назарда тутиляпти)ларга чопамиз. Одамларни карнай-сурнайлар эмас, болакайларнинг қийқириқлари уйғотади. Байрамга, тўйга чорлайди. Бир кун аввал элнинг оғзи катталари маслаҳатлашиб олади. Қайси газа-қирга ким кайвонилик қилади, ким курашга, ким кўпкарига баковулликни эплайди.

Момолар икки-уч кун аввал тарқатилган сумалакка кимнинг оғзи теккан-тегмаганини сўраб-суриштирадилар. Яна янги тушган келинчакларнинг ҳисобини олишади, невара-қизалоқларига эртага вақтлироқ турғин, деб тайинлаб қўядилар. Тандир-ўчоқларга ўтин қалаб, ҳалисаю-ёрмаларни ким пиширишни айтиб қўйишади. Сўнг...

Э, нимасини айтасиз, болакайларга худо беради ўша кун, Чиллак, зувулларатар, қулоқ чўзмага қайси амаки кўпроқ пул тикишини, ким кўп чиллак терадию, кимнинг қулоғи кўпроқ қоначини «маслаҳат» қилишади. Йигирмага етиб-етмаган йигитчалар эса бу йилги курашда китобликлар катта тавоқни оладими, ё шаҳрисабзликлар, ана шуни ечолмайди.

Тепаликларга дастурхонлар ёзилади. Ҳар ким топган-тутган таомини ўртага қўяди. Турли хил неъматларни «дастурхончи»лар каттаю-кичикка баравар бўлиб беради. Ким келди, ким келмади, бунням сўроқлайдилар. Агар азадор оилалардан бирортаси кўринмаётган бўлса, бир-иккита одамни уйига юбориб, чақириб келишади. Кўнглини кўтариб, «қўй энди, куюнаверма, ўтган ўтди-кетди, фойдаси йўқ» деб таскин бериб қўйишади.

Ўзбекнинг урфи-одати, расми-русуми кўп бўлса. Ўйлаб қоласан-да. Бу халқ бунча анъаналарни шунча асрлардан бери қандай қилиб асраб келаётган экан, деб. Биласизми, бугун ажойиб тўйимиз. Йилбоши ҳақида икки калима сўз айтаётиб, буюк бир ҳақиқатни англадик: бу халқнинг пешонаси беш қарич, толеи баланд экан. Нега десангиз, унут бўлган, бир замонлар таъқиқланган, топталган ўз миллий байрамларини, қадриятларни яна қайтадан тиклаётир. Бахтимиз булар. Йўлимиз булар. Энди билсак, бизнинг жануб томонларда боболар, момолар бежиз Йилбошини тепаликларда кутиб олинглар, демас экан. Чунки улар кўнгилларига яхши ниятларни тугиб, Яратгандан халқимизнинг, миллатимизнинг ризқини баланд сўраб, дуога қўл очишар экан.

Эртага тонг отса,.. Қуёш чарақлаб чиқса... Эшитмадим деманглар, Китобнинг катта Саройида, Бештерагу Макридида, Шаҳрисабзнинг Оммагону-Мироқисида, Духчию-Хитойида, Чироқчининг Паканди, Кўкдаласи буёғи Сурхон-Самарқанднинг дала-даштларида, газаларида бошланган катта тўйнинг садолари Шарқнинг азим шаҳарларидан бири Тошкент кўчаларига ҳам ўзгача руҳ бағишлайди. Чунки жанубда тонглар эрта отади. Ёлар эрта уйғонади.

Ана, ғазадан Йилбоши кириб келди...

Қурбон ЭШМАТ,
Норқобил ЖАЛИЛ.

Наврўз арафасида Паркент туманида катта ҳашар ўтказилди. Бунда барча корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоалари актив қатнашди. Кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўқазилди. Айниқса, терак кўчатлари экишга алоҳида эътибор берилди.

СУРАТДА: кўчат экиш пайти.

А. МАДАМИНОВ олган сурат.

ЯШАРГАН БУХОРО

Бугун икки минг беш юз йиллик тарихга шоҳид қадимий Бухоро Наврўзга пешвоз чиқмоқда. Қадимий шаҳар ва вилоятнинг каттаю кичик қишлоқларида янги кун шодиёналари давом этмоқда. Мустақилликнинг учинчи йилидаги бу қувонч ҳамма-ҳаммага олам-олам севинч ва бахт олиб келмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, бу йил Наврўз умумхалқ байрамига вилоят ҳокимлиги, Халқ демократик партияси алоҳида тайёргарлик кўрди. Бу борада махсус тадбирлар режаси тузилди. Барча шаҳар ва туманларда байрам шарафига шанбаликлар ўтказилди.

Вобкент туманида байрам арафасида ўтказилган шанбалик ҳақиқий меҳнат ва муштараклик байрамига айланди. Шу куни туман марказида, саноат, транспорт, хизмат кўрсатиш корхоналари, дала ва ферма меҳнаткашлари ҳар галгидан знёдроқ меҳнат унумдорлигига эришдилар. Ўтказилган ҳашардан тушган 21 миллион сўмдан знёд маблағ улуғ айёмни намунали нишонлаш тадбирларига ажратилди.

Бугунгача тумандаги барча қишлоқларда тантаналар бошланиб кетди. Ўнлаб гектар боғ-роғлар барпо этилди. Теракзор ва гулзорлар юзага келди.

— Наврўз ҳар йили вобкентликлар учун бир янгилик кашф этади, — дейди туман ҳокими Шавкат Иброҳимов. — Байрам арафасида тумандан республика марказида таҳсил олаётган 200 га яқин талабалар билан бир пиёла чой устида суҳбат ўтказдик. Тошкентдаги Ешлар уйида ўтказилган бу тадбирга туман фаоллари, олим ва ёзувчи, шоир ва бошқа касб эгалари қатнашдилар. Чунки туманимиздан турли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган юзлаб талабалар ҳозирги бозор иқтисоднёти шароитида якка эмасликларини, мустақил Ўзбекистонимиз истиқболи учун масъул эканликларини юракдан ҳис этишларида бу муҳимдир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Қорақалпоғистон Республикасидаги Мўйноқ балиқ саноати бирлашмаси аъзоларн янги ташаббус бошладилар. Улар балиқ овлаш ва уни қайта ишлаш биринчи чорак режасини Наврўз байрамигача адо этиш ҳаракати билан майдонга чиқдилар.

ТОРТИҚ

Балиқчилар йил бошидан ҳар сменада режага қўшимча 5—10 фоиздан маҳсулот тайёрлашга эришмоқдалар. Бу эса ойлик топшириқлар знёда адо этилишини таъминламоқда. Шу тартибда ишлаш режаларнинг барвақт бажарилиши, қўшимча балиқ етиштириш имкониятларини яратмоқда. Қорақалпоғистонда балиқчилар ташаббусини халқ хўжалиги бошқа тармоқлари ходимлари ҳам қўллаб-қувватламоқдалар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Яхшиликнинг умри боқий*

«ЧИНОР»

Хоразм фарзанди Мадамин Маткаримов бутун онгли ҳаётини халқ ишига, давлатимиз ривож топишига бағишлаган инсонлардан эди. У эл аро ўзига ҳамда бошқаларга талабчан ва ғамхўр раҳбар сифатида танилди. Қарийб 30 йил қатор туманларда раҳбар бўлиб ишлаб қишлоқларда туб ижтимоий ўзгаришлар қилишга, деҳқончилик маданиятини кўтаришга баракали ҳисса қўшди. Жонкуяр саркотиб меҳнаткашлар хонадони обод, дастурхони доимо тўкин-сочин бўлишни истарди ва айни пайтда шу хайрли мақсад йўлида ғайрат кўрсатиб ишларди.

Халқини ўйлаган инсон кам бўлмас экан. Мадамин Маткаримовга Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном унвонлари берилган эди. У узоқ йиллар Ўзбекистон Олий Совети Раисининг ўринбосари сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатди.

Халқ ўз фарзандларини унутмайди. Ҳусайн Раҳмонов ва Исмоил Шомуродовларнинг «Чинор» ҳужжатли қиссаси унинг ҳаёт йўлига бағишланган. Мазкур қиссани ўқисангиз Мадамин Маткаримовнинг жўшқин ҳаёти билан танишасиз. Ана шундай инсонлар хотираси халқ қалбида абадул-абад яшайверади.

Ю. ЗИЕДОВ.

• *Исмингиз Наврўз экан...*

РИВОЯТГА АЙЛАНГАН ҲАҚИҚАТ

Етмиш саккизинчи йиллар эди. Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийсида дам олишга борганимизда ўзларини Наврўзбек деб таништирган шифокор билан адамлар иноқлашиб қолишди. Наврўз ака жуда дилкаш, ширинсухан, табиатан оғир-вазмин бўлса-да, ҳазил-мутойибага мойиллиги шундоққина билиниб турарди. Бирор саёҳатга чиққудек бўлсак адамларни қўлтиқлаб олиб, тиббиётга оид кўп қизиқ гапларни ҳикоя қиларди. Бир куни нима бўлди-ю суҳбатларни исм танлаш, исм қўйишга келиб тақалди.

— Сизга бу исмни ким қўйган! — сўрадилар адамлар.

— Бунн қаранг Наврўз куни тонготарда туғилган эканман. Бу хушхабарни эшитибоқ бобом «исми туғилган куннига монанд Наврўзбек бўлсин», деган экан. Танглайимни кўтариб, қулоғимга азон айтганларида ҳазрат Навонийдан «Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсин Наврўз!» деган байтини айтиб, пешонамдан ўпган эканлар. Бунн ҳар йили туғилган куним онам қайта-қайта айтиб берганларидан ўзим учун бир ривоятдек бўлиб кетган. Очиғи, исмим билан фахрланаман.

— Ҳар қанча фахрлансангиз арзийди... Қадимий удумларимизда янги йилнинг илк кунларида туғилган чақалоқлар исмини Наврўз қўйишган. Бироқ азалий одатларимизни ёдимиздан чиқардик...

Бироз хаёлга чўмиб яна давом этдилар адамлар. — Исмингиз тарихий экан. Шундай исмлар бор экан, қадимий Наврўз айёмларимиз сира ўлмайди, Наврўзбек...

НАВРЎЗИМ—БОЛАГИНАМ

Субҳи козиб ўз ўрнини субҳ содиққа илинган тонг палласида чақалоқнинг йиғиси гўё ҳали уйғониб-уйғонмаган шаҳар узра таралгандек бўлди. Она бўшанганидан хурсанд, ота зуррриёдли бўлганидан мамнун. Ғиҳ-шиҳада дунёга сиғмайдиган қувонч билан ховлига кириб келар экан, уйқусизликдан, хушхабар кута-кута чарчаган онасини кўрди-ю, уйни бошига кўтарди.

— Ойижон, якка-ёлғизингиз иккита бўлди, ўғил... ўғил ойижон...

— Вой, изли-қутли келган набирагинамдан айланай, — аёл шошиб қолди. Не азобларда отасиз ўстирган кўзиниг оқу қораси Ёдгорни қучоқлаб ўлди. — Худога шукур, бергаинга, кўрсатганига шукур. Парвардигорнинг марҳаматини қара, фарзандинг шундоқ Наврўз кунларида туғилса-я... Исмиям ўзи билан туғилди болагинамнинг. Наврўзим, Наврўзгинам, Наврўзбеким...

Умида ФАЙЗИЕВА.

СУМАЛАКНИ ТУСАГАН КЕЛИН

Қайта-қайта аҳд қилди. Бўлмади. Бошлайди-ю Икромжоннинг нигоҳига тўқнаш келса гапини йўқотади. Ирода турмуш ўртоғидан ҳайиқмайди, ҳурматлайди, Икромжон аёлига жуда меҳрибон Қўярга жой топмайди уни. Бошига солган экан. Қайнона, қайнсингиллари ҳам атрофида парвона. Айниқса оғирроқ бўлгандан бери хас-чўпга ишонишмайди.

Ирода кўшни қўрғондан келин бўлиб тушди. Онасининг тўй оқшомида келгани. Ҳар замон бировдан хат-хабар йўллайди, бечора. Кечаям бир энлик қоғоз юборибди: «насиб этса ўн кундан сўнг борамиз...».

Ойим ҳали-замон кеб қолар, деб юрган Иродага бу муддат ўн йилдек туюлди.

Унгача қандай чидайман? Уйлайди у. Қани энди ўша зорманда сотилса-ю, билдириб, билдирмай олиб келсам. Бир қошиғиям етарди.

Уч ойлардан бўён шу аҳвол. Юрса, турса, ўтирса кўзига сумалак кўринади. Ўйидагилар канча яқин тутмасин, эркаламасин айтишга иймонади. Тили бормайди.

Бир куни Икромжон Иродага атлас олиб келди.

— Тиктириб қўйинг, чақалоқ туғилганда киясиз... Ирода у ёғини эшитмади. Бирам уялди, бирам уялди. Юзини беркитиб олди. Кўнглидан бошқа нарса кечганини билмай қолди: Шундан кўра битта ялагулик сумалак келтирмабсизда, бегим!

Ичида айтганлари гумбирлаб кетгандек бўлди, гўё. Ҳовлига чиқди. Узини қойиди.

— Ишқилиб овозим чиқмаган бўлсин. Ким деган одам бўламан-а.

...Боши очиқлик пайтида Ирода қўшни келинчак билан сирлашиб қолди. Ушанда у келиннинг гапларидан ҳайрон қолганини яшира олмаганди

— Тушганингизга энди қирқ кун тўлди. Сиз қайси юз билан куёвингизга шарт қўясиз? Кийим ҳам сўрайсиз. Икки сандиқ тўққизингиз бор экан-ку!

Келин минг бир гапни тўқиб шундай деганди.

— Эркак зотн уйланган маҳал асов бўлади. Уни совитиш чоғида нимага ўргатсанг бир умр айтганингдай бўлиб қолади.

— Ўшандаям тушунмаганди, Ирода. Ҳозирам тушунмайди.

Келиннинг ҳаёллариии болалар шовқини бузди.

— Собирларникида учрашамиз. Оналаримиз сумалак пиширишади. Биз бекинмачоқ, қулоқчўзма ўйнаймиз...

Тез-тез юриб даровазахонага чиқди. Болалар ҳануз ғағир-ғуғур қилар, ўзларича «режа» тузардилар. Келин бировнни имлади.

— Қайси Собирларникида сумалак пиширяпсан?

— Ҳамсояларнз бор-у. Ушаникида. Қайиннайнзам ун олиб бордила ҳозир.

Болакай Ироданинг кўзига чироқдай кўринди. Уйга олиб кирди. Қўлига конфет тутқазди.

— Ма, ол. Бунисини ўртоқларингга бер.

Ироданинг кўнгли ғалати бўлиб кетди. Ҳадемай унинг ҳам полопони мана шундай пилдираб юрар. Келин ширин бир меҳр туйди.

...Қош қорайиб қораймай, овқат тайёр бўлди. Икромжон Иродага атаб аллақаёқдан бедана келтирган. Қозон тўла гўшт. Биқирлаб қайнаётган бедана гўшти иштаҳани қитиқлайди. Лекин келиннинг хуш-хаёли қўшнининг уйида. Дош қозонда пишаётган сумалакда.

— Қани энди ёш болага айланиб қолсаму ҳамсояникига ўтиб бир чўмич, йўқ озлик қилади бир коса яласам...

— Янга, овқатга келинг. Суздик...

Қайнсинглисининг чорловидан ўзига келди. Қисиниб-қимтиниб Икромжоннинг ёнида чўккалади. Зираворларга тўйиниб пишган беданадан биттагина олди. Егиси келмади. Кўзига сумалак кўринаверди.

— Ҳамсоямизникига овқат чиқарсам, дегандим. Сумалак осиғлан экан. Ҳоламам шу ёқдала.

— Сиз ўтира турнг мен бориб келаман.

Қайнсинглиси отилиб турди.

Ягона илинжидан маҳрум бўлиши мумкинлиги келинни эсанкиратиб қўйди. Тилига келганини тўхтата олмади:

— Ҳечам сумалак пиширганларини кўрмагандим. Шунга...

Рози бўлишди.

— Майли бора қолинг.

У уйдан юриб чиқдими, учиб чиқдими эсида йўқ. Қўлида ялаган. Собирларнинг даровазасини тақиллатди.

— Ҳа, келин сизми?

Қайнонасининг овозини таниди.

— Сизларга овқат келтирувдим.

— Юра қолинг, уйда ей қоламиз. Сумалагиям бор бўлсин. Собирнинг тўқсон ёшли буваси юмалаб қолди. Уша билан овора бўлдик. Бугдойгаям ҳали бор экан. Ҳеч бўлмаса учн ўтсин кейин.

Ироданинг юраги узилиб тушди гўё. Аччиқ-аччиқ йиғлаш... бутун борлиқ кўзига ҳунук кўриниб кетди. Қайнонасиям, ўлган бувеям.

— Келиб, келиб бугун ўладими?

Келининг изтиробини Сора хола ўзича тушунди.

— Тақдирида бор экан-да болам.

...Келининг афт-ангори оқариб кетган. Қайнона, Икромжон, қайнсингиллар бундан бетоқат эдилар. Ирода касал бўлиб қолди.

— Нега қаттиқ ишондим. Умид қилмасам бўларди-ку! Наҳотки, ер-заминдан сумалак топилмаса.

Ҳамширанинг овози хаёлини бузди.

— Қаерингиз оғрияпти?

Ирода тескари ўгирилиб олди. Кўзи намланди...

Орадан анча дақиқа ўтди. У ҳануз ўй гирдобида эди. Кимдир елкасига турди.

— Келинг туринг. Янгиликдан ялланг. Енгил тортасиз. Уйдагилар сумалак келтирувди.

Ирода сапчиб кетди. Сумалак сўзи ҳаёт, дегандек урилди миясига. Бир қошиқ, яна олди. Кўзи ярқ этиб очилди. Бор-будини эгаллаган бош қоронғилиги зумдаёқ тарқалди. Учинчи қошиқни ёлмади. Тўйиб қолди. Қарашларидан унданда бахтли аёл йўқ эди дунёда.

Онанинг бу гўзал онларини ғўдагиям ҳис этганден бўлди. Тебранди.

Ирода қимирлаётган қорнини авайлабгина шаппатилади...

Ҳаҳ тентагим-а, сеннинг учун шу қўйга тушганимни билармиканснг?...

Қурбон АЛИ.



• МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИГА •

МАНГУ ЮЛДУЗЛАР

Ҳар бир халқнинг маданий даражаси, аввало, унинг ўз ўтмишига бўлган муносабатида кўринади. Зеро, донолар: «Ўтмиш — келажакнинг дояси», деб бекорга айтишмаган. Ўз тарихини яхши билган, ўз аждодлари руҳи поклариниҳар жойда ва ҳар нафасда ёд этиб турган миллатнинг келажаги ҳам буюк бўлади. Бу шак-шубҳасиз. Оллоҳга шукрларким, биз эндигина мустақиллик йўлига кирган мамлакат фуқаролари давлатимиз Президенти Ислом Каримов доно сиёсати шарофатини, ҳар доимо ҳис этиб турибмиз. Бугун юртимизда бой маданиятимизни тиклаш, довруғи оламни тутган аллоларимизнинг муборак номларини абадийлаштириш, Миллий мустақиллик мафкурасини яратиш борасидаги қилинаётган ишларни кўриб, халқимизнинг мислсиз маданий-тарихий қадриятларини кунба-кун ҳис эта бориб, юртбошимизнинг «Ўзбекистон— келажаги буюк давлат» деган гапи нақадар тўғри ва асосли эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Ҳа, биз буюк жаҳонгирлар, улуғ мутафаккирлар ва алломалар авлодимиз. Биз уларнинг иззат-ҳурматини қанчалик жойига қўйсак, ўзимиз ҳам ҳозирги дунё ҳамжамияти назарида, келажак авлодлар қошида шунчалик эҳтиромга сазовор бўламиз. Дунё бу аждодларимиз тимсолида бизнинг ким эканимизни, жаҳон маданиятига, умуминсоний қадриятларга халқимиз қўшган бебаҳо улушни англаб етади. Бу эса Ўзбекистонни, ўзбек халқини бутун дунё кўзи ўнгида яна бир поғона юксакка кўтаради.

Мамлакатимиз раҳбарияти, энг аввало, Президентимиз буюк мутафаккир аждодларимизнинг номларини тиклаш, уларга давлат миқёсида доимий иззат-икром кўрсатиб, эл аро уларни улуғлашни, умуман, миллий қадриятларга, миллий тарихий даҳоларга муносабатни мустақил давлат сиёсатининг муҳим бир йўналиши деб билмоқда ва бу сиёсат халқимиз олқишига сазовор бўлмоқда. Шу изчил сиёсат шарофати ўлароқ ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк зотларнинг таваллуд тўйлари кенг нишонланди. Бу таваллуд тўйлари натижасида халқимиз ўз ўтмиши, маданияти билан янада яқинроқ танишди, мустақил давлатимизнинг миллий маданий-ахлоқий замини бениҳоя мустаҳкам эканини ҳис этди. Дунё халқлари ҳам бой тарихий-ижтимоий илдизга эга давлат эканимизнинг шоҳиди бўлди. Демак, ўтмиш маданияти ва миллий қадриятларга бўлган эътибор катта аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда бундай хайрли ишлар илгари советлар даврида бўлгани каби шунчаки хўжакўрсинга эмас, балки, аввало, мустақил давлатимиз ва халқимиз келажагини кўзлаб, доимий ва барқарор анъаналар тарзида олиб борилмоқдаки, бунақаси ҳали шу пайтгача бўлган эмасди. Ҳеч шубҳасиз, бу анъаналар янги йилда янада ривож топади. Бу анъаналарнинг мустақил давлатимиз ҳаётига борган сари кенг кириб бораётгани исботи сифатида мазкур йилда ҳам миллий қадриятларимизни тиклаш, маданиятимиз ривожини янги босқичга кўтариш, ўтмиш даҳоларни ёд этиш борасида бир талай тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган, буюк алломаларимизнинг таваллуд тўйларини ўтказиш ҳақида ҳукумат қарорлари қабул қилинганини таъкидлаш мумкин. Шундай тадбирлардан энг катта ва эътиборга молиги, шубҳасиз, бу кўҳна Шарқнинг аллома ва мутафаккирларидан қолган нақл: ҳар бир халқнинг қадр-қиммати ўтган аждодларига бўлган муносабатида айнан ошкор намоён бўлади! Ҳа, бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бугунги кунда республикамиздаги тинчлик-тотувлик, одамлар орасидаги меҳр-оқибат, ишимиздаги унум, бугунги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик ҳам ўтган аждодларимизга бўлган чуқур ҳурмат ва иззатнинг натижасидир.

Бундай эзгу ишда ҳар бир халқ сарбонларининг саъй-ҳаракати ва хизмати бениҳоя катта. Ялпи «қора чаплаш» даврида бизнинг ораминздан ҳам ўтган кунларнинг «сукунат боғи»га итқитувчилар топилди. Аммо юртбошимиз ўз вақтида марҳумларга тош отиш бехосият иш эканлигини айтгандагина ўша доғулик орқага чекинди.

Ҳа, шубҳасиз, бугунги Ўзбекистондаги мустаҳкам бирликнинг ҳам юртбошимиз номи билан боғлиқ эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Барчамизга аён, Президентимиз бошчилигида ўтган йилнинг 19 апрелида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йилда фалакиёт илмига тамал тошини қўйган улуғ мунажжим ва математик олим Мирзо Улуғбек таваллудини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Ана шу қутлуғ санага тайёргарлик қандай кетаётганлигини билиш истагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита дирекциясининг директори **Неъматжон АБДУЛЛАЕВ**га махсус мухбиримиз бир неча савол билан мурожаат қилди:-

— Иш билан банд экансиз, бемаврид келиб қолдим, шекилли. Қўнғироқ устига қўнғироқ. Юбилейга тараддуд ишлари қизиб кетдими, дейман?

— Ҳа, кўпгина масалаларни тез ҳал қилишга тўғри келаяпти. Шарқнинг, нафақат Шарқнинг, бутун дунё фалакиёт илмининг ривожига катта ҳисса қўшган буюк мутафаккир олим, юлдузлар жадвалини ўта аниқлик ва пухта қилиб тузиб берган буюк мунажжим Мирзо Улуғбек таваллудини қалбда катта ғурур ва шуур ҳисси билан ўтказиш барчамизнинг энг олий бурчимиздир. Шундай экан, юртбошимизнинг бу улкан ишнинг бошида қилаётган саъйи ҳаракатларидан руҳланиб, қўлни қўлга бериб ишлаб, тўйни ўтказ моғимиз керак.

— Президентимиз Ислом Каримов имзо чеккан 182-сон қарорида Мирзо Улуғбек юбилейини Ўзбекистонда катта байрамга айлантириш ўзбек халқининг бой миллий қадриятларини, шу муносабат билан тарихини тиклаш, жаҳон миқёсида Мирзо Улуғбек юбилейини нишонлаш кўзда тутилган. Бу ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакатимиз миқёсидаги катта тадбир. Дирекция уни юксак савияда ўтказишнинг аниқ иш режасига эгами?

— Бугунда ана шу тадбирга дахлдор мутассадди ташкилотларнинг раҳбарлари, етакчи мутахассислари, олиму фузалолар билан кенгашиб иш кўришимиз зарурлигини ҳис қилиб турибмиз. Ташкилий қўмита ва дирекция баҳамжиҳатлик ила, мутахассисларнинг маслаҳати билан, ўз иш режаларимизга қатор аниқликлар киритдик. Бу эзгу ишда кўпгина вазирликлар, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё ҳокимликларининг мутассадди ходимлари биз билан бирга иш олиб бораётирлар. Буюк олимнинг тўйини муносиб ўтказиш мақсадида республика ташкилий қўмитаси ва дирекциясининг ҳар бир масъул аъзосига туркум вазифалар юкланган. Масалан, республика Фанлар академиясига Тошкент шаҳрида юбилейга бағишлаб халқаро илмий конференцияга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, Фанлар академиясининг Улуғбек номидаги халқаро мукофотини таъсис этиш, Улуғбек ва унинг мактаби олимларининг хорижда сақланаётган асарларининг асл нусхаларини ёки микрофильм ёхуд ксерио нусҳаларини сотиб олиш ва Ўзбекистонга олиб келиш, республика Фанлар академиясининг астрономия институтига Китоб кенглик станциясини тузатиш-таъмирлашни амалга ошириш сингари вазифалар юклатилган. Республика Улуғбек жамғармасига иқтидорли болалар учун физика, математика ва техника соҳасига ихтисослашган миллий лицей ташкил этиш; Ўзбекистон маҳаллий саноат концернига юбилей медали, тангаси, маркалар ва совғалар ишлаб чиқариш, республика Архитекторлар уюшмасига «Коинот ва Турон — Туркистон меъморлиги», «Улуғбек даврида астрономик асбоблар модели» кўргазмаларини ташкил этиш юклатилган.

Бундан ташқари Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро ҳокимликлари ҳам Улуғбек таваллуди билан боғлиқ аниқ иш режаларига эгадирлар. Ҳокимликлар, айниқса Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан катта ишлар амалга оширилянпти. Тадбирлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Қолаверса, бу муҳим тадбирларда оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение журналистларининг қўшадиган муносиб улушига ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

— Бу тадбирнинг келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги аён. Негаки, Ўзбекистон жаҳонга юз тутди. Юртбошимиз бошлаган ана шу хайрли иш истиқлолимиз йўлида эзгу қадам, мамлакатимизнинг бўй-бастини жаҳонга кўз-кўз қиладиган муҳим тадбирдир. У миллий ғуруримизни яна бир поғонага кўтаришга хизмат қилади. Шундай эмасми?

— Бизнинг истагимиз шу-да! Ҳозиргача республика газеталарида ўнлаб турли мақолалар эълон қилинди. Ўзбекистон телерадиокомпаниясида ҳам буюк мунажжимнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган туркум кўрсатувларнинг бир нечтаси «ойнаи жаҳон» орқали намойиш этилди. Жаҳон фани тарихига номи олтин ҳарфлар билан битилган улуғ бобокалонимиз қолдириб кетган илмий мерос бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, XV асрнинг 20-йилларида Самарқандда Улуғбек бунёд этган диаметри 46 метрдан зиёд ва баландлиги 30 метрли улуғвор расадхона қадимий буюк ёдгорлик сифатида тан олиниб, жаҳон маданиятининг фахри бўлиб қолди. Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан бошланган бу жаҳоншумул тадбир замирида бизнинг фан ва маданиятимизнинг илдизи нақадар чуқур ва бақувват эканини, жаҳон фани, тарихи ва тараққиётида ўзбек олимларининг ҳам салмоқли улуши борлигини фахрланиш туйғуси билан ҳис қилиб турибмиз. Мирзо Улуғбек асарларининг тарғиботчилари бўлган олимлар Оврўпода XV асрданоқ пайдо бўлдилар. Шундан ҳам буюк олимнинг нақадар улуғ кашфиёт яратганлигини ҳис қилиш, билиш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, улуғ бобомиз учун ҳар қандай эзгу ишларни қилсак камлик қилади.

— Айтингчи, Улуғбек юбилейи муносабати билан биз унинг бобоси Амир Темур даврига янада чуқурроқ разм солишга ва ҳолис баҳо беришга интиламизми?

— Ҳа-да. Бугунги кунда, биринчидан, Темурийлар даврининг Мирзо Улуғбек билан боғлиқ тарихий ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклашдан ҳам мурод шу. Чунки, Самарқанд шаҳрида Улуғбек мадрасасини, Гўри Амирни, Улуғбек расадхонасини, Бухородаги Улуғбек мадрасасини, Ғиждувондаги мадрасани, Шаҳрисабзда эса Кўк гумбаз, Шамсиддин Кулол, Гумбази Саидон ансамблини таъмирлаш вазифаси турибди. Иккинчидан, Амир Темур ва Темурийларнинг тарихда тутган ўрни ва маънавиятини қайтадан тиклашни ўзимизга бош мақсад қилиб қўйганмиз. Шу муносабат билан таъмирлаш ишлари юзасидан юқорида айтиб ўтилган ҳокимликлар ва Маданият ишлари вазирлиги муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Бу улкан ишларни тўла амалга ошириш учун ҳукуматимиз томонидан керакли миқдорда маблағ ажратилди. Республика Фанлар академияси ўтган қисқа вақт ичида катта ишлар қилди. Ҳозиргача Улуғбек даврига бағишланган китоблардан 10 таси нашрга тайёрланди. Чет эллардаги Улуғбек (ёки унинг мактаби олимлари) томонидан ёзилган асарларнинг асл нусхаларини топиб келиш учун Англия, Эрон, Туркия ва Ҳиндистонга мутахассис олимлар юборилади. Мирзо Улуғбек юбилейи ЮНЕСКО режасига киритилди. 1993 йилнинг август ойида Москвадаги Ўзбекистон элчихонасида Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллигига бағишлаб йирик олимлар, чет эл дипломатлари билан катта матбуот конференцияси ўтказилди.

Шарқнинг буюк олими Улуғбек инсоният учун кўп ишлар қилди. Шунинг учун ҳам жаҳон жамоатчилиги унинг юбилейини муносиб нишонлашига ишончим комил. Элчихонада ўтказилган брифинг ҳам шуни кўрсатдики, Улуғбек давлат арбоби сифатида фан ривожи, иқтисодиёт ва маданият тараққиёти учун қулай шарт-шароитлар яратган. Унинг даврида жаҳонга машҳур бўлган Самарқанд ёдгорликлари — Бибихоним мадрасаси, Гўри Амир мақбараси, Шоҳизинда ансамбли тўла битказилди, Улуғбек мадрасаси, хонақоҳ, Карвонсарой ва ҳаммомлар қурилди.

— Очиғи, «қизил империя» даврида биз улуғ аждодларимиз билан фахрланиб келдигу, аммо халқимиз улар қолдирган олтин сандиқ жавоҳирларидан тўла баҳраманд бўла олмади. Юртбошимиз ана шу кемтикни тўлдириш йўлини очиб берди ва ўзи бош бўлиб турибди. Мирзо Улуғбек таваллуди муносабати билан яна қандай амалий ишлар қилиняпти?

— Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманида алломага ҳайкал ўрнатилганидан кўпчилик хабардор. Бундан ташқари Мирзо Улуғбек номидаги халқаро мукофотнинг низоми ишлаб чиқилди. Самарқанд шаҳрида Марказий Осиёни ўрганиш институтини ташкил этиш масаласи кўрилмоқда. Улуғбек жамғармаси ва Тошкент давлат техника университети қошида физика-математика ва техника бўйича иқтидорли болаларнинг ихтисослашган миллий лицейи ташкил этилмоқда. Самарқанд университети қошида физика, математика, биология фанларига ихтисослашган, инглиз тилида ҳам ўқитиладиган М. Улуғбек номидаги лицей ишга туширилди.

Шуниси қувончлики, Улуғбек мактаби олимларининг ноёб қўлёзмалари топилмоқда. Самарқандлик Абдул Ал-Омилийнинг «Зиж асбобларини ўрганиш китоби» топилди. Ҳозир у рус тилига таржима қилиняпти.

Сиз келишингиздан сал олдин ташкилий қўмита аъзоси, тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов билан гаплашдим. У кўп йиллар давомида Улуғбекнинг асосий илмий асари «Зижи жадидий Кўрагоний» («Улуғбек Кўрагонийнинг астрономик жадвали») устида ўзбек олимлари тахлилий ишлар олиб борганини сўзлаб берди. Айтиш мумкинки, буюк олимнинг катта тўйига асосий туҳфа астрономия соҳасида ўз даврининг «сўнгги сўзи» ҳисобланган шу асарнинг ўзбекча ва русча тўла таржимасининг мукаммал изоҳлари билан нашр этилиши бўлади. Олимнинг «Тўрт улус тарихи» асарининг ўзбекча таржимаси профессор Бўрибой Аҳмедов томонидан тайёрланиб, чоп этишга тайёрланди. Академик Қори Ниёзийнинг «Улуғбекнинг Самарқанддаги астрономия мактаби» асари қайта нашр этилди. Улуғбекнинг шогирди Али Қушчи таржиман ҳоли алоҳида рисола ҳолида, унинг ходимларидан бўлмиш Жамшид Кошийнинг ўз отасига ёзган мактуби ва бир неча тўпламлар чоп этилди. Шунингдек, академия олимлари юбилей муносабати билан ўтказиладиган халқаро илмий конференцияга катта тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар. Ҳозиргача юбилейга мўлжалланган режаларимиз изчиллик билан амалга оширилмоқда.

— Биз ҳам улуғ бобокалонимизнинг олти асрлик тўйларини ўтказишда ҳеч нарса эсдан чиқмаса, ақли фузало ҳайратда қолса, деган яхши ниятдамиз.

— Айтганингиз келсин. Ҳозиргача уч марта 1993 йилнинг — 29 май, 2 июль, 13 октябрь ва шу йилнинг 17 март кунлари республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Ҳар тўртталасида ҳам комиссия томонидан режаларнинг ишир-чикирига-ча бирма-бир кўриб чиқилди. Масалан, Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувондаги объектларда қурилиш — таъмирлаш ишларининг боришидан тортиб, нашр этилаётган адабиётлар, плакатлар, буклетлар, конвертлар, эсдалик совғалари, юбилейга бағишланган тангалар ва медаллар рўйхатини тасдиқлашгача, ундан ташқари Шаҳрисабздаги Шамсиддин Кулол, Гумбази Саидон, «Кўк гумбаз» тарихий ёдгорликларни Мирзо Улуғбек юбилейи тадбирларига киритишгача эътибор қаратилди. Ўтган галги йиғилишда муҳтарам Президентимиз имзо чеккан 182-сон қарорнинг Самарқанд вилоятида қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Бу борада белгиланган ишлар яхши бораётгани, катта ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Анчагина маблағ талаб қиладиган икки серияли «Улуғбек» бадиий ва икки қисмдан иборат ҳужжатли фильмларни яратиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Хабарингиз бор, Амир Темур, Улуғбек ва Шоҳруҳлар замонида Ўрта Осиёнинг барча жойларида, Туркистон, Шимолий ҳамда Шарқий Эронда «темурий» услубидаги мадрасалар барпо қилинган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса Пешовар, Агра, Деҳли каби Ҳиндистон шаҳарларига боболаримиз меъморчилигини ёйган эди. Шундай улуғ ишлар қилган боболаримизнинг муқаддас хотираси учун ҳам улардан бизга мерос қолган обидаларни тиклаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи зарур.

— Президентимиз ва ҳукуматимиз ҳозирги иқтисодий тақчиллик даврида Улуғбек юбилейига маблағ ажратишда катта ҳиммат кўрсатдилар. Шу ҳақда икки оғиз сўзлаб берсангиз.

— Мирзо Улуғбек номидаги халқаро мукофот белгиланган. Бундан ташқари Улуғбек ҳаёти ва фаолияти ҳақида «Улуғбек» телефильми, «Улуғбек мероси» ҳужжатли фильми ҳамда бадиий фильм яратиш, унинг ҳайкалини бунёд этиш, Улуғбек расадхонасини, Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларида эса унинг мадрасаларини таъмирлаш ишлари, чет эллардан асарларнинг нусҳалари ва микрофильмларини сотиб олиш, ҳатто юбилей тадбирларида назарда тутилмаган Гўри Амир мажмуини, Шаҳрисабз шаҳридаги Шамсиддин Кулол ва «Кўк гумбаз» мақбарасини, Гумбази Саидонни таъмирлаш каби ишлар озмунча маблағ талаб этмайди. Лекин шуни зўр мамнуният билан таъкидлашимиз керакки, Мирзо Улуғбекнинг таваллуд тўйини қўнгилдагидек ўтказиш бўйича Президентимиз Ислом Каримов белгилаб берган асосий масалалар муваффақиятли ҳал бўлаяпти.

Шарқ халқларининг маданият илдизи жуда чуқур кетганлигини бутун дунё тан олган. Агар Амир Темур ва Улуғбеклар даври билан ҳисобга олганимизда, дунё фанига тамал тошини қўйган ўнга яқин алломаларимизнинг рўйхатини келтиришимиз мумкин. Шундай чуқур илдизи бор халқнинг келажаги асло кам бўлмайди. Боболаримиз руҳи бизларни албатта қўллаб-қувватлайди. Мен бунга минг бора ишонаман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат!

Суҳбатдош Ҳамид ИКРОМОВ.



Лондонда 1838 йилда нашр этилган китоб.



Бу китоб Вашингтонда 1917 йилда чоп этилган.

ЮНЕСКО қарори

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича бўлими (ЮНЕСКО) Бош конференциясининг Парижда бўлиб ўтган XXVII сессияси қарорига мувофиқ 1994 йилда астроном Мирзо Улуғбек туғилган кунининг 600 йиллиги нишонлансин.

Темурхон наслидин султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.

Алишер НАВОИЙ

ЮНЕСКОНИНГ ТЕЗКОР ДАСТУРЛАР БЎЛИМИ ХАБАР ҚИЛАДИ

● ЮНЕСКО Мирзо Улуғбек туғилган кунининг 600 йиллигини нишонлашда фаол қатнашиб, ЮНЕСКОда Улуғбек ҳафталигини ўтказишга, конференциялар, кўргазмалар ташкил этишга, мақолалар ёритиш ва фильм кўрсатишга кўмаклашади.

● Самарқанд шаҳрида марказий Осиё институтини ташкил этишга ЮНЕСКО ҳайрихоҳлик билдиради.

● Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро ва Хива ЮНЕСКОнинг умумжаҳон қадриятлари рўйхатига киритилади.

● ЮНЕСКО томонидан Мирзо Улуғбек юбилейини ўтказишга техник ва моддий ёрдам кўрсатилади.

Олмонияда чиқадиган «Штерне унд велтраум» журналида Гизела Баркернинг «Самарқандда Улуғбек расадхонаси» мақоласи чоп этилди.

ТОШКЕНТ—ПАРИЖ—ИСТАНБУЛ

Шу йил 20 январдан 31 январгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Мирзо Улуғбек туғилган кунининг 600 йиллигини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита дирекциясининг директори Н. Абдуллаев ЮНЕСКО штаб-квартирасида сафарда бўлди.

24-28 январь кунлари ЮНЕСКО штаб-квартирасида Мирзо Улуғбек юбилейига ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа масалаларига бағишланган ЮНЕСКОнинг секторлараро махсус йиғилиши бўлиб ўтди.

Сафар чоғида жами 21 учрашув ўтказилди ва ЮНЕСКО раҳбарлари билан музокаралар олиб борилди. Жумладан ЮНЕСКО Бош директорининг биринчи ўринбосари, фан бўйича Бош директор ўринбосари А. Бадран, Бош директор кабинетида Ташкилот аъзолари бўлган мамлакатлар билан алоқалар бўлими раҳбари К. Нхоуванисвонг, таълим бўйича Бош директор ўринбосари С. Пауэр, маданият бўйича Бош директор ўринбосари Х. Лопез, шунингдек, етакчи бўлимларнинг раҳбарлари ва ходимлари билан мулоқотда бўлди.

Шуни мамнуният билан қайд қилиш керакки, ЮНЕСКО раҳбарияти Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини тўла қўллаб-қувватладилар. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг жўшқин ва самарали саъй-ҳаракатига юксак баҳо берилди. ЮНЕСКО раҳбарияти айниқса Ўзбекистоннинг ўз миллий қадриятларини тиклаш борасидаги ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирди.

Мирзо Улуғбек юбилейига бағишлаб учта йирик халқаро илмий конференциялар ўтказиш режалаштирилди.

Режага биноан булар Истанбул, Тошкент, Париж шаҳарларида бўлиб ўтади.

Шунингдек, ЮНЕСКО штаб-квартирасида Мирзо Улуғбек ҳафталигини ўтказиш режалаштирилди.

ЮНЕСКО Бош директори Ўзбекистонга ташриф буюриш борасидаги таклифни мамнуният билан қабул қилди.



Мунажжимлар султони Мирзо Улуғбек жа астрономлари даврасида.

ХАРЧИНОМА

"TOP–UP"
SCHOLARSHIP PROGRAM



THE UNITED STATES INFORMATION AGENCY, UNDER THE AUSPICES OF THE FREEDOM SUPPORT ACT, WILL CONTINUE SUPPORT IN 1994 FOR THE

"TOP-UP" SCHOLARSHIP PROGRAM

FOR STUDENTS FROM NEWLY INDEPENDENT STATES OF THE FORMER SOVIET UNION. STUDENTS FROM UZBEKISTAN WHO HAVE APPLIED TO STUDY IN THE UNITED STATES, BUT REQUIRE FINANCIAL ASSISTANCE FOR LIVING EXPENSES, ARE ELIGIBLE FOR SCHOLARSHIPS OF UP TO $ 10,000 FOR ONE ACADEMIC YEAR.

THE "TOP-UP" PROGRAM WILL PROVIDE SCHOLARSHIPS FOR INDIVIDUAL STUDENTS WHO HAVE APPLIED OR HAVE ALREADY BEEN ACCEPTED AND RECEIVED SIGNIFICANT FINANCIAL AID (TUITION WAIWERS, FELLOWSHIPS, ETC.) FROM U.S. COLLEGES AND UNIVERSITIES FOR THE 1994-95 ACADEMIC YEAR. RECIPIENTS OF "TOP-UP" SCHOLARSHIPS MUST MEET ACADEMIC ELIGIBILITY REQUIREMENTS AND HAVE DEMONSTRATED FURTHER FINANCIAL NEED.

THE GOAL OF THE "TOP-UP" PROGRAM IS TO PROVIDE GRANTS FOR STUDENTS UNDERTAKING A TWO-YEAR TERM OF STUDY. FIRST-TIME STUDENTS WHO RECEIVED "TOP-UP" SCHOLARSHIPS IN 1993 MAY BE INCLUDED IN SECOND-YEAR FUNDING UNDER THE 1994 PROGRAM IF THEY HAVE MAINTAINED A GOOD ACADEMIC RECORD, REMAIN ELIGIBLE, AND HAVE CONTINUED INSTITUTIONAL SUPPORT.

FOR MORE DETAILS ON THE "TOP-UP" PROGRAM, PLEASE CONTACT SHUKUR ASKAROV, THE UNITED STATES INFORMATION SERVICES' EDUCATIONAL ASSISTANT AT THE U.S. EMBASSY IN TASHKENT AT 77-14-07. NOMINATIONS WILL BE FORWARD TO WASHINGTON FOR FINAL SELECTION. ALL NOMINEES MUST MEET THE FOLLOWING CRITERIA:

1. YOU MUST BE PLANNING TO STUDY PUBLIC ADMINISTRATION, PUBLIC POLICY, POLITICAL SCIENCE, URBAN PLANNING, OR ECONOMICS.

2. YOU MUST HAVE ALREADY APPLIED FOR ADMISSION AND FINANCIAL AID TO A U.S. UNIVERSITY BY THE INSTITUTION'S STATED DEADLINE.

3. YOU MUST CONTACT THE EMBASSY BY MARCH 23 TO BE CONSIDERED FOR NOMINATION TO THIS PROGRAM.

ТАШКИЛОТ

чекланмаган миқдорда нақд пулга ручкалар учун стерженлар

СОТАДИ

тел: 33-79-14, 29-81-57.

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан — томат пастаси, қуюлтирилган сут, қатиқ, сузма ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ачитиш ускуналарини;

— ТДМ—317 пайвандлаш аппаратларини;

— труба эгиш станокларини;

— кучи 40т/с бўлган гидропрессларни;

— қуввати 0,8 кВтдан 75 кВтгача бўлган электродвигателларни

СОТМОҚДА

Мол айрибошлаш бўйича таклифларни кўриб чиқамиз, кўрпа-ёстиқ жилдларини сотиб оламиз.

ТЕЛЕФОНЛАР: 45-75-67, 45-75-58,

ФАКС: 45-75-23.

ISC
ИНВЕСТИЦИОННАЯ КОМПАНИЯ
ИНВЕСТИЦИЯ КОМПАНИЯСИ

ISC ИНВЕСТИЦИЯ КОМПАНИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИ БАҲОР ВА ТИНЧЛИК БАЙРАМИ —НАВРЎЗ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА ОМОНАТЛАРИНГИЗНИ

УЧ ЙИЛДА 15-30 БАРАВАР ОШИРИШ УЧУН

ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИБ БЕРАДИ.

ISC – биринчи талаб бўйича 24 соат ичида омонатларингизни ҳисоблаб, қайтариб бериш кафолатидир

БИЗ ОМОНАТЛАРИНГИЗНИ САҚЛАБ ВА КЎПАЙТИРИБ БЕРАМИЗ.

БИЗ БИЛАН КЕЛАЖАККА ҚАДАМ ТАШЛАНГИЗ!

Биз Сизларни ўз маҳкамамизда кутамиз:
Матбуотчилар (собиқ Ленинградская) кўч., 32
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни клуби; тел.:32-56-92
Омонатни қўйиш энг оз миқдори –5000 сўм.
Шартнома тузиш учун ёнингизда паспорт бўлиши шарт.

Tashkent

"Восток–сервис" масъулияти чекланган жамият Ўзбекистон меҳнаткашларини Наврўз айёми билан муборакбод этади.

Жамият хилма–хил мебель жиҳозларини, эркаклар, аёллар ва болалар пойабзалларини ишлаб чиқармоқда ва сотмоқда, шунингдек, савдо–воситачилик фаолиятини амалга оширмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 34–94–58, 34–94–61.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 21. III

АССАЛОМ, НАВРЎЗ!

● ЎзТВ I

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 21 МАРТ СОАТ 7.00 ДАН 22 МАРТ СОАТ 5.00 ГАЧА НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН ТЕЛЕМАРАФОН ЎТКАЗАДИ.

БАҲОРГИ ЭЪТИДОЛ — КУН БИЛАН ТУННИНГ ТЕНГ КЕЛИШИ — МИНГ ЙИЛЛАРДАН БЕРИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН ЭЪТИБОРЛИ АЙЁМ БЎЛИБ КЕЛГАН. ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАДИМИЙ ВА ШУКУҲЛИ БАЙРАМИ — НАВРЎЗНИ КАТТА ТАНТАНАЛАР БИЛАН НИШОНЛАШ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА АНЪАНАГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. УШБУ БАЙРАМ ХАЛҚИМИЗ МИЛЛИЙ ҒУРУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ОНА ТУПРОҚНИ СЕВИШ, МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ, ЮРТИМИЗДА ЯШОВЧИ БАРЧА МИЛЛАТЛАР ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК, ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН КАТТА ОМИЛ БЎЛАЁТИР. УШБУ ШОДИЁНАДА ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЯНАДА КАМОЛ ТОПАДИ, ДЎСТЛИК, БИРОДАРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ, МЕҲР-ШАФҚАТ УЛУҒЛАНАДИ. БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН МЕҲНАТ ВА УРУШ ФАХРИЙЛАРИ, МУЪТАБАР КИШИЛАР, КЎП БОЛАЛИК ОИЛАЛАР, НОГИРОНЛАР ВА ЕТИМ-ЕСИРЛАР, БОҚУВЧИСИЗ ҚОЛГАН ХОНАДОНЛАР ҲАМДА БОЛАЛАР УЙЛАРИДА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲОЛАҲВОЛИДАН ХАБАР ОЛИНАДИ, УЛАРГА СОВҒА-САЛОМЛАР ТОРТИҚ ҚИЛИНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ БАҲОР ВА ДЎСТЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА МЕҲР-ШАФҚАТ АЙЁМИ БЎЛГАН — НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН ЎЗЛУКСИЗ КЎРСАТУВЛАРИ АНА ШУ УЛУҒ БАЙРАМГА МУНОСИБ ҲИССА БЎЛАДИ, ДЕБ УМИД ҚИЛАМИЗ.

● ЎзТВ II

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ СОАТ 19.00 ДАН НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН ТЕЛЕМАРАФОН ЎТКАЗАДИ.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Гол».
18.55 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.05 «Турмуш ижир-чиқирлари». Бадиий телесериал премьераси. 39-серия.
19.35 «Миниатюра».
19.50 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 Н. Гоголь. «Ўйинчилар». «Артистлар артели» театри фильм-спектаклининг премьераси.
23.20 «Спорт уик-энди».
23.45 «Славянс» миллий рақс театри ижро этади.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Курьер».
9.45 «Рок ҳақида».
10.10 «Ҳар соҳадан бир шингил».
10.20 «Парижга қайтиш».
10.50 «Совға».
11.20 «Даракчи».
11.30 Эълонлар.
11.35 «Видео-О».
13.15 Эълонлар.
13.20 «Курьер».
13.35 «Танишиб қўйайлик» («Вольфсон Шарқ интерпрайзис» қўшма корхонаси).
13.50 Эълонлар.
13.55 «Шарқ дурдоналари».
14.25 «Даракчи».
14.35 Эълонлар.
14.40 «Видео-О».

18.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Мульти-пульти.
19.10 «Ҳар бир кун байрам».
19.20 Душанба куни детектив. «Йўқолган шахта». Бадиий фильм. «Эркюль Пуаро» сериалидан.
20.25 «Ҳақиқат онлари».
21.25 Спорт кўрсатуви.

21.30—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Сен менинг қўшиғимсан». Мусиқий кинокомедия.

Сешанба, 22. III

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Халқ куйларини қалбингда асра». Фильм-концерт.
9.30 «Наврўзи олам келди». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.10 «Орол оҳангари». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
11.00 «Ёрқин юлдузлар». Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланади.
11.30 Адабий театр. Э. Воҳидов. «Донишқишлоқ латифалари».
12.00 «Ёшлик» студияси. «Ранглар жилоси».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
18.40 Солиқ инспекцияси фаолиятида...
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Сўх дарёси бўйлаб». Телефильм.
19.35 «Назм ва наво». Феруз таваллудининг 150 йиллигига.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ислоҳотнинг янги босқичи».
21.20 «Ватанни севмоқ иймондандир». Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига.
22.20 «Армон». Бадиий фильм.
23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Сахий ўрмон». Мультфильм.
19.30 Спорт кўрсатуви (рус тилида).
19.50 «Стоп: кадр!».
20.50 «Лагич». Телефильм.

«ОМАД» кўрсатади:
21.15 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Тонг».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Парда ортида».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Протокол сатрларида».
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Бомонд».
21.45 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Ҳарбий шифокор». Бадиий фильм. (Франция, 1983 й.).
23.30 «Бумеранг».

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 «Ҳар бир кун байрам».
20.00 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 294-серия.
20.50 «Арт-обстрел».

21.30—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Осмон калити». Бадиий фильм.

Чоршанба, 23. III

● ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.15 «Дастлабки тергов». Бадиий фильм.
10.45 «Ёшлик» студияси. «Сенинг замондошинг».
11.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.30 «Китоб ва ҳаёт».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Таълим ва ислоҳот».
18.40 «Шеърият дақиқалари». Маҳмуд Тоиров.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Уз ерининг эгаси». Телефильм.
19.40 «Иқтисодимиз таянчлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ўзбекистон ва жаҳон».
21.50 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови.
23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Спринт».
19.40 «Тўй маросими». Телефильм.
20.05 «Шаҳар юмушлари».
21.05 «02» тўлқинида.
21.25 «Болажон қиз». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Тонг».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Москва циркининг юлдузлари».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.55 «Вивальди мусиқаси остида». Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 Режиссёр Л. Пчёлкин фильмларининг ретроспектив намойиши. «Сухово-Кобилиннинг иши». 3-серия.
22.35 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. Японияндан кўрсатилади.
23.30 «Матбуот-экспресс».
23.40 Миллион кўзлар учун сир. «Саккиз оёқли қўшнилар». Илмий-оммабоп фильм.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00—19.35
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.35 «Ҳар бир кун байрам».
19.45 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 295-серия.
20.35 «Ҳақиқий мусаввир, асил санъаткор, чинакамига қотил». Телеспектакль мюзикл премьераси. 4-серия.

21.30—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Эҳтиёт бўл, Илон!». Бадиий фильм. 1-серия.

Пайшанба, 24. III

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 Болалар учун мультфильм. «Самсон ва Салли».
10.00 Чегарачилар кунига. «Ёшлик» студияси. «Ватан посбонлари».
10.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.00 «Кафолат».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Бизнес мактаби».
18.40 «Галла— ризқ-рўзимиз».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Наврўз нашидаси». Телефильм.
19.35 Ўзбекистон халқ артисти Аҳмаджон Шукуровнинг янги дастури.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Фармон ва ижро».
21.20 «Темир хотин». Бадиий фильм. 1—2-серия.
23.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Болалар учун фильм. «Номаълум оролча».
20.30 «Тошкент оқшомлари».

«ОМАД» кўрсатади:
21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Тонг».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Лабиринт».
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.00 «Тошлар мусиқаси». Усто Синан.
19.55 «Эслашлари учун...». Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви. «Ольга Бган».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Экран» таништиради: «Угай опа-сингиллар». Телевизион бадиий фильм премьераси («Жон» болалар ва ўсмирлар кино ва телевидение Ўзбекистон марказининг маҳсулоти, 1992 й.).
22.50 «Матбуот-экспресс».
23.00 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Эркин программа. Японияндан кўрсатилади.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00—19.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.45 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 296-серия.
20.35 «Ҳақиқий мусаввир, асил санъаткор, чинакамига қотил». Телеспектакль мюзикл премьераси. 5-серия.

21.30—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Эҳтиёт бўл, Илон!». Бадиий фильм. 2-серия.

Жума, 25. III

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Юракка йўл». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 «Бола бошидан».
11.50 «Ёшлик» студияси. «Садо».
12.20 «Ассалом, футбол баҳори».
13.05 «Оила».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Тоғлар чорлайди». Телефильм.
18.20 «Элга хизмат».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 Тўра Сулаймон. «Сайёралар нотинч». Адабий композиция.
19.45 Ёр ва диёр тароналари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 Бевосита мулоқот.
21.50 «Саодат» студияси намойиш этади.
23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Мўъжизалар оламида».
19.45 «Карпат жилолари». Фильм-концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Яхшидан боғ қолади», «Наманган сеҳргарлари». Телефильмлар.
21.30 «Дарбадар автобус». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Тонг».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Маданият янгиликлари.
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 «Вазият».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Детективлар клуби»да. «Каплан». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
23.10 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
23.25 «Матбуот-экспресс».
23.35 Катталар учун мультфильм.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00—19.35
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.35 Спорт кўрсатуви.
19.40 «К-2» таништиради: «Халқ фраки».
20.30 Россия телевизион театри. М. Равель. «Сеҳрли воқеалар». Опера-балет.

21.25—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Бархан». Бадиий фильм.

Шанба, 26. III

● ЎзТВ I

7.00—9.15 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.15 «Кенжатойдан қўрқ, эй, ғаним». Бадиий фильм.
10.20 «Чеҳрангиздан аримасин табассум».
11.20 «Кино усталари». С. Толипов.
12.05 «Ёшлик» студияси. «Даврага кел, дугонажон».
13.05 «Қишлоқ ҳаёти».
13.50 «Театр шоу».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Усмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.30 «Бойсунда қор эриганда...». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Мардлар қўриқлайди Ватанни». Мусиқий кўрсатув.
20.00 «Улоқ». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 Халқаро шарҳловчилар даврасы.
21.20 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури таништиради: «Кўнгил», «Тасвир», «Оҳанг» концерти. «Бавжу Бавра». Ҳинд бадиий фильми.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Болалар учун. «Табассум».
19.55 «Тагиль гулдастаси». Телефильм.
20.05 «Дарвоқе...».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Кинотриада».
21.50 «Привалов миллионлари». Бадиий фильм. 1—2-серия.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 «Ҳафтанинг акс садоси».
18.35 «Академия». Дам олиш кўрсатуви.
18.50 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Қойилмақом жуфтлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия.
19.45 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Голиаф кутмоқда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Янги душанба шанба кунида».
22.45 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар. Эркин программа. Японияндан кўрсатилади.
23.30 Катталар учун мультфильмлар.
23.50 «Матбуот-экспресс».

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

11.10 — 16.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

11.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
11.20 «Салом, Франция!».
12.00 «Ватан ва биз». Покистон мустақиллиги кунига.
12.40 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
12.55 Мусиқий жилолар.
13.35 «Анор меваси».
14.20 «Би-Би-Си» янгиликлари.
14.35 «Чинсэн» (корейс тилида).
15.15 «Хўжанд садоси» (тожик тилида).
15.45 «Бу ажиб дунё».

*

18.00—19.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.45 «Ҳар бир кун байрам».
19.55 «Бола тилидан».
20.25 «Фильм-премьер».
20.40 «Мутлақо махфий».

21.30—23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.00 «Баҳор». Бадиий фильм.

Якшанба, 27. III

ХОТИРА КУНИ

●

ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ

● ЎзТВ I

7.00—9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 Хотира кунига. Ҳужжатли экран.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 59—60-сериялар.
12.30 «Барҳаёт сиймолар». Ҳожи Абдулазиз ва Юнус Ражабий асарлари ижрочилари Республика кўрик-танлови ғолибларининг концерти.
14.00 «Оилалар беллашуви».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Мусиқа —менинг қалбим».
18.35 Чустий таваллудининг 90 йиллиги олдидан. Адабий театр. «Индамаслар диёри».
19.05 «Ойнаи жаҳонда».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 Халқаро театр кунига. «Театр учрашувлари».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 «Барҳаёт наволар». Мусиқий кўрсатув.
22.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Сурхон». 2-тайм.
23.25 Янгиликлар.
23.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Орол» — «Нефтчи». 2-тайм.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
17.00 «Мультфейерверк».
17.30 «Курьер».
17.45 «Турли ижир-чиқирлар».
18.05 «Ҳар соҳадан бир шингил».
18.15 «Совға».
18.45 «Салом, ёшлар!».
19.15 «Даракчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Видео-О».
21.10 Эълонлар.
21.15 «Курьер».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Юлдузлар жилоси».
21.55 Эълонлар.
22.00 «Видео-О».

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.00 Мультфильмлар премьераси: «Мушук Феликс», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
18.55 «Шпаргалка».
19.05 «Экран» таништиради: «Колл—қутирган ит». Телевизион бадиий фильм премьераси («Пауэр пикчерс» ҳамда «Старт» ушмасининг ҳамкорликдаги маҳсулоти, 1992 й.).
20.55 Эълонлар.
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.50 «Матадор». Рио-де-Жанейрода карнавал.
23.00 Янгиликлар.
23.15 «Эндиликда». Диний кўрсатув.

● ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.35—15.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

10.35 «Мамлакатлар, воқеалар одамлар».
10.45 «Дунё ва биз». Тунис мустақиллик кунига.
11.20 «Дунё эшиги».
12.00 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
12.15 «Спорт ва тинчлик».
12.35 «Дурдашен» телекомпанияси кўрсатувлари. Ҳиндистон.
13.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
13.20 «Умид» (уйғур тилида).
14.00 «Мусиқа олами».
14.45 «Бу ажиб дунё».

17.00—18.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.20 «Ҳар бир кун байрам».
18.30 «Си-Би-Эс» кинотеатри. «Старк — кўзгудаги акс». Бадиий фильм.
20.10 «Икки қадам қолганда...».

20.25—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 «Сочидаги қора тунлар». Бадиий фильм. 1—2-серия.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Ёшларни олий ўқув юртига кириш учун тест синовларига тайёрлайдиган 3 ойлик пуллик курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Пуллик курслар органик, анорганик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси бўйича институтнинг барча факультетларига кириш учун тайёрлайди.

Пуллик курсларга ўрта маълумотга эга бўлган ёки ўрта мактабнинг 11-синфида ўқиётганлар қабул қилинади.

Курсларга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак.

— институт ректори номига ариза;

— ишлайдиганлар иш жойидан, ўқийдиганлар мактабдан маълумотнома;

— 3х4 ҳажмдаги 2 та сурат.

Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайҳонтоҳур кўчаси, 10-уй, 13 хона. ТЕЛ. 41-03-60, 56-80-02.

ЭШИТМАДИМ, ДЕМАНГЛАР!

Халқлар дўстлиги санъат саройида 1, 2, 3 апрель кунлари «МУШТУМ» журналининг 70 йиллигига бағишланган

«НАВРЎЗ» ҚАҲҚАҲАСИ

катта давомли кулги байрами ўтказилади.

Унда атоқли ҳажвчи ёзувчилар, «МУШТУМ» жамоаси, барча қизиқчи танловларининг ғолиб ва совриндорлари, машҳур аскиячилар ва халқ қизиқчилари қатнашадилар.

Чипталар Халқлар дўстлиги санъат саройи кассаларида сотилмоқда.

Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

ТЕЛЕФОНЛАР: 44-22-14, 44-65-92.

МЕН БИР ОШИҚ ШОИР, ҚЎКДА КАМАЛАК, ҚАЛДИРҒОЧНИНГ ҚИЙИБ УЧИШИН КУТДИМ.

Остонамиздан йил боши кириб келаётир. Суратқаш Шомурод ШАРОПОВ Қарши давлат университетининг ўзбек филологияси факультети 1-курс талабалари бўлмиш (чапдан ўнгга) Гулчеҳра Қиёмова, Барно Пардаева ва Сабоҳат Ҳайитоваларнинг самимий чеҳраларидан Наврўз нафасини «топибди».

• *Наврўз мушоираси*

Минҳожиддин МИРЗО

Баҳор бўлиб келаверсанг бўлмасмиди...

Сабзаларга буркаб кўнглим диёрини,
Умидим ғунчаси кулса, сўлмасмиди.
Ким кутибди ахир мендек ўз ёрини,
Мажнун бўлсам Лайло ҳолим билмасмиди.
Баҳор келган йўл сенга ҳам йўлмасмиди,
Баҳор билан келаверсанг бўлмасмиди!

Кўзларимда кулармиди, қизғалдоқлар,
Туярмидим турфа гулларнинг тотини.
Сен билмадинг муҳаббатим ўша чоғлар,
Боғлаб кетдинг юрагимнинг қанотини.
Балким, кўнгил бунча ғамга тўлмасмиди,
Баҳор билан келаверсанг бўлмасмиди!

Билардинг-ку мен умримни сенга бериб,
Бир қизғалдоқ умрни сендан тилаганим.
Нима кўрдим, бу дунёга шошиб келиб,
Шу бўлдими, ахир сендан сўраганим.
Ой бўлмасанг кўзим кўкка тушмасмиди,
Баҳор билан келаверсанг бўлмасмиди!

Бу девона ким бўлди деб ўтар сабо,
Бунча забун, бунча ғамли куйинг дейди.
Кўп ғам чекма, умринг ўзинг қилгин адо,
Хазон қилар сени тушкун ўйинг дейди.
Хазон нима балким, умрим билмасмиди,
Баҳор билан келаверсанг бўлмасмиди!

Менман ўша, бир булбулдай баҳор кутиб,
Ҳар сония йўлларингда кутаётган.
Менман ўша, ўша осмон бағрин доғлаб,
Сени дея бир юлдузсиз ўтаётган.
Зулмат қучган осмон нурга тўлмасмиди,
Баҳор билан келаверсанг бўлмасмиди!

Қайтмасингга ишонсам ҳам кутавергум,
Нетай ўзни, ҳеч бу қўлга ололмайман.
Билганим дард, ҳаёт ғамин ютавергум,
Хазон босган бу йўлларда қололмайман.
Мен интизор кутган онлар шулмасмиди,
Баҳор билан келаверсанг бўлмасмиди!
Баҳор бўлиб келаверсанг бўлмасмиди...

* * *

Ҳайдар ТЎРА

Яна баҳор куртакда кулар,
Арғимчоқлар учиб шохларда.
Яна бодом, ўриклар гуллар,
Нурга чўмиб бизнинг ёқларда.

Баҳор келди юртимга хушҳол,
Шамол ўйнар ёмғир сувини.
Не саодат — синглим Ойжамол,
Чангларини артар кувининг.

Офтоб қизир, Нури бувижон,
Айлантирар урчуқларини.
Сопқонини тайёрлаб Жаҳон,
Тинмай излар чумчуқларини.

Сўриларда Наврўзи олам,
Сумалакнинг иқболига шай.
Эҳ, нақадар нуфузли олам,
Камалакнинг қучоғида ой.

Ана, қирлар — кўкишранг ҳаёт
Қизғалдоқлар ичра бахтиёр.

Ана, кўкда — мангу барҳаёт,
Учиб келар турналар қатор.

Бу истиқлол баҳори эрур,
Она юртим, эй Онажоним.
Бу истиқбол баҳори эрур,
Қадамингга Ўзбекистоним.

Яна баҳор куртакда кулар,
Арғимчоқлар учиб шохларда.
Яна бодом, ўриклар гуллар,
Нурга чўмиб бизнинг ёқларда.

Сурхондарё.

* * *

Пўлатбек ЭРМАТ

Раҳмат!
Менга раҳмат деганингиз учун,
Вужудим эриб кетаётир сиймобдай
Илк дафъа эшитган бу сўздан.

Раҳмат!
Бугун ёрилиб кетаман қувончдан,
Юз йилдан бери сепаётган уруғим
Кўкариб чиққанин кўрган деҳқондай.
Раҳмат!

ЭНГ СЎНГГИ

«Севаман» сўзини айтолмам сенга,
Чўзсам-да қўлларим етмас бўйингга,
Яхшиси тераклар айтсин бу розни
Бўйлари бўйингга келар муносиб,

Энг сўнгги видони айтсин печакгул,
Энг сўнгги ўпични олсин чумоли.
Мен-ку, ўполмайман сени ҳеч қачон: —
Чумоли лабидан кичик лабларим...

* * *

Етти осмон совчилари нигоҳладилар,
Тупроқ эдим, ҳосиламни гиёҳладилар.
Кўкдан ниниб, мани кўкка никоҳладилар,
Қўлима...
Бир ипак дуолар бойланаверди!

Хоразм.

Марҳабо ФАЙЗИЕВА

ЁР—ЁР

(халқ йўлида)

Осмондаги оймомонинг
Кўкси қаро ёр-ёр.
Ота сотдинг, қизгинангни
Кўнгли яро, ёр-ёр.
Кўзларимда ёшгинамни,
Кўрмабмидинг ёр-ёр.
Куёв бўлмиш чолгинани
Билмабмидинг ёр-ёр.
Тақдиримни сен кимларга
Боғлаб бердинг ёр-ёр.
Алам тўла юраккинам,
Доғлаб бердинг, ёр-ёр.
Ота, қалам қошларим,
Ёйдин эди ёр-ёр
Нола қилган кечаларим,
Ойдин эди ёр-ёр.
Кўзларимдан оққан ёшлар,
Уволмасми, ёр-ёр
Мўнкиллаган чолгина,
Уялмасми, ёр-ёр.
Суйганимнинг қошгинаси,
Камон эди, ёр-ёр.
Сўйла, нечун ул йигит
Ёмон эди, ёр-ёр,
Толим толим сочларим,
Дорим бўлсин ёр-ёр.
Наҳот, энди севмаганим
Ёрим бўлсин ёр-ёр,
Мажнунтолнинг боши эгик,
Йиғламасин, ёр-ёр.
Лайлинг бўлай, юраккинам,
Тиғламасин, ёр-ёр.
Йиғлай-йиғлай кўзда ёшим,
Сой бўлди-ё, ёр-ёр,
Отам сотиб менгинани,
Бой бўлди-ё, ёр-ёр...

Тошкент вилояти.

Абдумухтор ҒУЛОМОВ

СУМАЛАК

Тилга болу, кўзга нур, белга қувват улашдинг,
Хафақон бемор учун табиб билан тенглашдинг,
Майсанги кўз-кўз қилиб деҳқон билан имлашдинг,
Иш бошла деб, далага қўш чиқарган сумалак.

Кўк чучвара, кўк сомса элга маҳтал саватда,
Азизланган чавати, яна иззат-ҳурматда,
Бўрсилдоқ нон оғизда сенинг билан лаззатда,
Бир илимнинг асалдан тотли бўлган сумалак,

Наврўзий оқшомимга барча дўстлар келишсин.
Хонадон даврларда хорижликлар юришсин.
Меҳрини офтоб қилиб дилларга йўл олишсин.
Осиё, Шарқ халқларин соғинтирган сумалак.

Андижон.

ОНАЖОН, БУГУН НАВРЎЗ

Қуёш нурин сочишга,
Бойчечак гул очишга,
Беришибди дилдан сўз,
Элдошлар бугун Наврўз.

Куй чалишга булбуллар,
Ҳид таратай дер гуллар,
Беришибди дилдан сўз,
Онажон, бугун Наврўз.

Гуллади бодомлар ҳам,
Ҳеч кимда кўрмадим ғам,
Қаранг, эриб кетди муз
Отажон, бугун Наврўз

Қирлар яшнаб гуллади,
Сойда сув шовуллади.
Сайил бугун, дала-туз,
Элдошлар, бугун Наврўз

Ёркин РЎЗИЕВ,
Қўшработ туманидаги
56-мактаб ўқувчиси.

Майса ўсди бу тун сездирмай,
Ҳўл ҳавога чўзиб лабини.
Субҳидамда очиб ташлади,
Ёруғликка етган қалбини.

Учиб кетди митти шудринг, нам,
Майсаларнинг сиқилган ёши.
Шамолларда енгил чайқалар,
Тунни етган гиёҳлар шохи.

Мен ойнага тикилиб қолдим,
Кириб кетдим ойна ичига,
Узиб ололмадим ўзимни,
Бу ҳол сирли туюлди жуда.

Ҳаёт ТУРДИ

Бир лаҳзага ўйланиб турдим,
Сўнгра юлиб олдим кўзгуни,
Мен ойнани синдириб кўрдим,
Ундан тополмадим ўзимни...

Хўжанд.

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Тарғибот Маркази Халқаро мукофотлар қўмитаси 1993 йил учун қуйидагиларни ғолиб деб топди:

ХАЛҚАРО ҚОШҒАРИЙ МУКОФОТИ

1. Турғун ОЛМОСга (Хитой халқ республикаси) «Хунларнинг қисқача тарихи», «Ўйғурлар» ва бошқа тарихий китоблари учун.

2. Низомиддин МАҲМУД (Ўзбекистон), Эртуғрул ЙАМАН (Туркия), Бобохон Муҳаммад ШАРИФга (Ўзбекистон) «Туркча—ўзбекча, ўзбекча—туркча луғат» ва «Туркча сўзлашамиз» китоблари учун.

3. Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВга «Тил—тақдир демак» китоби ва туркум мақолалари учун.

ХАЛҚАРО ЯССАВИЙ МУКОФОТИ

1. Абдул ЖАЛИЛга (Ўзбекистон) «Рамазонда бир ойдин» шеърлар туркуми учун.

2. Султонмурод ОЛИМга (Ўзбекистон) «Ишқ, ошиқ ва маъшуқ» китоби ва тасаввуф ҳақидаги мақолалари учун.

3. Сайфиддин РАФИДДИНга (Ўзбекистон) «Иброҳим Адҳам қиссаси», «Амри Ахтам қиссаси», «Бобоб Равшан қиссаси», «Муҳаммад Алайҳиссаломнинг васиятлари» ва бошқа китобларни нашрга тайёрлагани учун.

ХАЛҚАРО ЧЎЛПОН МУКОФОТИ

1. Хуршид ДАВРОНга (Ўзбекистон) «Самарқанд хаёли» китоби ва миллий истиқлол ҳақидаги мақолалари учун.

2. Ўткир РАҲМАТга (Ўзбекистон) «Райҳон ҳиди» ва «Жилға» шеърлар тўплами учун.

3. Зебо МИРЗАЕВАга (Ўзбекистон) «Тун маликаси» шеърлар тўплами учун.

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР:

1. Сафтер НАГАЕВга (Ўзбекистон) Исмоил Ғаспирали ва қрим-татар адабиёти ҳақидаги мақолалари учун.

2. Темур УБАЙДУЛЛОга (Ўзбекистон) «Нақшбанднома», «Мусофирнома» достонлари учун.

3. ЭЛНАЗАРга (Қозоғистон) «Яссавий ва Арслонбоб» китоби учун.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

●

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ ШАРҲИ

1993 йил ғолибларини аниқлашда турли йилларда нашр этилган китобларнинг бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаганлиги эътиборга олинди. Бир неча минг йиллик тарихимизнинг яширин саҳифаларини меҳр билан ўрганган ва миллат буюкларининг дуру жавоҳирларини элга қайтариб бермоққа жазм қилган ижодкорларга имкон қадар баҳо берилди.

СОҒИНИБ КУТГАН ДАМЛАР

Халқимиз баҳорни соғиниб яшади. Наврўз байрами эса ўша соғинч, интиқлик ва ташналикни ифодалаб турибди. Кишилар хуш кайфият билан ишлаяптилар, яшаяптилар. Наврўз шунчаки бир байрам эмас. Бу улуғ ишларга камарбаста пахтакорларимиз, боғбон ва соҳибкорларимизнинг баҳорги юмушлари бошланишидан, ерга уруғ тушишидан, иқтисодий алоқалар узилган бир пайтда йўқдан йўндириб бўлса-да, саноатимизнинг бешигини тебратаётганларнинг қадамлари қутлуғлигидан дарак берувчи айёмдир.

Бу байрам юртимиздаги осойишталик нишонаси ҳамдир. Тинчлик, тотувлик бор жойда барака бўлади. Баракали юртнинг ҳар бир куни эса кишиларга байрамона кайфият бағишлаш ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан жойларда байрамга пухта тайёргарлик кўриляпти. Вилоят ҳокимининг Наврўзга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қабул қилган қарори меҳнат жамоаларида, оддий фуқароларда, саҳоватпеша кишиларда кўтаринкилик вазиятини юзага келтирди. Ҳар бир шаҳар, туман, меҳнат жамоаларида уни ажойиб, байрамга айлантиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, вилоятда фаолият кўрсатаётган бир қатор ҳайрия жамғармаларининг ташаббуслари билан бева-бечоралар, ёрдамга муҳтожларни йўқлашга оид тадбирлар амалга оширилмоқдаки, бу ўзбек халқида одамийлик, қадр-қиммат, оқибат, эътиқод каби азалий хислатларнинг янгича қирралари очилиб бораётганидан далолат бераяпти.

«Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Меҳр шафқат ва саломатлик», «Наврўз», «Тинчлик», «ЭКОСАН», Қизил Ярим Ой ва бошқа хайрия жамғармаларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли биронта ҳам ёрдамга муҳтож киши мурувватдан бебаҳра қолмайди.

Байрам кунлари шаҳар ва туман марказларида оммавий сайллар ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, Андижондаги Халқлар дўстлиги ўйингоҳи яқинидаги ўрикзорда шаҳар маҳаллалари ўртасида сумалак пиширувчиларнинг кўригини ўтказиш режалаштирилган. «Сумалак» дастаси ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг жўрлигида дошқозонлар атрофида ўйин-кулги кенг ўрин олади. Умуман Андижон шаҳрининг 12 жойи халқ сайллари ўтказиш учун танланди.

Назиржон САИДОВ,
Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари.

● АЙЕМ ТАДБИРЛАРИ

● 21 март куни Тошкентда Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлади. Тадбирлар пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги хиёбони, Халқлар дўстлиги майдони ва бошқа жойларда ўтказилиб, унда санъаткорлар ва маданият ходимлари иштирок этишади.

● Шу куни Халқлар дўстлиги майдонида театрлаштирилган намойиш ўтказилади. Унда барча ижодий жамоалар, республикадаги энг кўзга кўринган бадиий ҳаваскорлик ва фольклор-этнографик дасталари ҳам иштирок этадилар.

● Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театри Тошкент вилояти туманлари меҳнаткашлари ҳузурига борадилар ҳамда «Наврўз» театр жамоаси «Драма актёрлари куйлайди», «Отасининг қизи» спектаклларини намойиш этадилар.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

● Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театр жамоаси байрам кунлари М. Ашрафийнинг «Дилором» операсини, В. Миловнинг «Алибобо ва қирқ қароқчи» операсини, У. Мусаевнинг «Тўмарис» балетини, А. Берлиннинг «Гўзал Василиса» балетини, В. Моцартнинг «Фигаронинг тўйи» операсини намойиш этадилар.

Театр майдони ва фойесида байрамга аталган махсус тантаналар уюштирилади.

● Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик театри махсус сценарий асосида театр олди майдонида бадиий томошалар кўрсатади. Бунда театрнинг барча ижодий жамоаси билан биргаликда аскиячилар, қизиқчилар, цирк усталарининг иштироки ҳам кўзда тутилган.

● Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма ва комедия театрида байрам кунлари катта байрам концерти, «Дилафрўзга тўрт ошиқ», «Ҳар кимки вафо қилса», «Ака-ука совчилар», «Нодирабегим», «Куёвлар конкурси» спектакллари намойиш қилинади.

● Республика қўғирчоқ театри жамоаси шу кунлари жажжи томошабиларга «Карвонсарой», «Сэмбо», «Бахтини излаган Ҳасан»» томошаларини кўрсатадилар. Мустақиллик майдонида ва шаҳар кўчалари бўйлаб қўғирчоқларни намойиш этадилар.

● Ўзбекистон Республикаси бўйича бу йилги тўйда 33 та давлат театри, 7 та филармониядаги 30 га яқин жамоа, ўзбек давлат эстрада бирлашмасига қарашли 20 дан ортиқ бадиий концерт жамоаси ва «Баҳор» давлат халқ ансамбли, шу жумладан 260 дан кўпроқ халқ дастаси ўз санъатларини намойиш этадилар.

● Тантаналарда 10 дан ортиқ дорбозлар гуруҳи, 100 дан знёд аскиячи-қизиқчи, бахши-шоирлар, бадиий сўз усталарининг чиқиши ҳам режалаштирилган.

БАЙРАМ ТАОМЛАРИ

Ҳар бир халқда ўз миллий байрамларига тансиқ таомлар тайёрлаш азалий одат. Лекин Наврўз таомлари улар орасида алоҳида ажралиб туради.

Наврўз таомларидан айримлари ҳақида тўхталиб ўтсак.

Сумалак. Анъанавий миллий таомлардан ҳисобланган сумалакни тайёрлаш учун буғдойнинг олий навидан олиниб, яхшилаб тозаланади. Покиза жойга тахта ёки фанер устига ёйилади. Вақти-вақти билан сув сепилиб турилади. Шунга эътибор бермоқ керакки, фақат жой эмас, балки буғдойни ундираётган аёллар ҳам ҳамиша покиза бўлмоқлари шарт. Сув сепилаётганда тегишли дуолар ўқилади. Униб чиққан буғдойнинг бўйи учтўрт сантиметр бўлгач, у бўлак-бўлакларга бўлинади, сўнг гўшт майдалагичдан ўтказилади. Бир карра сизиб, трупи ажратиб олинади. Кейинчалик ўша труп яна бир бор гўшт майдалагичдан ўтказилади. Ҳосил бўлган суюқлик майда кўзли элак ёки докада сузилади. Бунгача қиздирилган пахта ёғи совутиб қўйилади. Унга ҳафсала билан ун аралаштирилади, сўнг буғдой шарбати қўйилади. Олов бир меъёрда ёқилади. Қозондаги масаллиқ тинмай кавлаб турилиши керак. Сумалак тайёрлашнинг меҳнати ниҳоятда оғир. Шу сабабли одатда қўни-қўшнилар тўпланишиб, кўплашиб тайёрлашади. Ана шу жараённинг ўзи ҳам ўзига хос кичик байрамга айланиб кетади. Ҳар ким ҳар хил таомлар пишириб чиқади. Дуолар ўқилади, лапарлар айтилади. Яхши кайфиятда, покиза ҳолатда тайёрланган сумалак ҳам сифатли чиқади. Етилишига яқин сув солинади, ранги тўқ жигаранга киргач, димланади. Сумалак пишириш, уни тарқатиш, бу тансиқ таомни тановвул қилиш азалдан савоб ҳисобланади.

Ҳалим. Буғдой ўғирда бир-икки кун аввал оқланади. Қозонга ёғ солиб, у қизигач, гўшт билан пиёз қовурилади, сув солинади, шундан сўнг оқланган буғдой қозонга ағдарилади. Пишишига яқин сут қўшилади. Меъёрига етгач, димланади. Ҳалим ҳам худди сумалак каби кўпчилик билан тайёрланади. Унга ҳам тахминан бир кеча-кундуз вақт кетади.

Кўк сомса. Кўкатлардан жаф-жаф, ялпиз, исмалоқ, кўк пиёз, отқулоқ, озгина картошка ва думба ёғ қўшилиб, майдаланади ва уларнинг ҳаммаси аралаштирилади. Сомса хамирини ёғсиз ёки ёғлик ҳам қилиш мумкин. Бунда маргариндан ҳам фойдаланишни тавсия қиламиз.

Кўк чучвара. Уни тайёрлашда ҳам худди кўк сомса тайёрлашга ишлатилган масаллиқлардан фойдаланилади. Чучвара қовурма ёки шўрвали бўлиши мумкин. Шовул шўрва ҳам кўкат таомларига киради.

Феруза ҲОЛИҚОВА,
Тошкентдаги «Зарафшон» ресторанининг бош технологи.

● *РАССОМ ХАНДАСИ* ●



Рассом Илҳом ЗОИРОВ.

— Товуқни қаерга олиб кетяпсан?!
— Бунинг йили ўтди, итга бераман.
Рассом Суръат САЛОҲИДДИНОВ.

ДОШҚОЗОНЛАР ТЎЛА ҲАЛИМ, СУМАЛАК, ҚОЗОНИНГ ТЎЛГАНИ РОСТ БЎЛСИН, ЮРТИМ!

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Знёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» нашраси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-53, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58,83; Каршида — 3-25-79; Қўқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—3 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—791. тир. 87.259. топширилди — 23.00
Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, А. ПЎЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 123456.